


88.343
K 53

Абдулла ҚОДИРИЙ



Книга должна быть возвращена
не позже указанного здесь срока

Количество предыдущих выдач _____

85.543

К 53

435216

Абдулла
2004.

Кодирий.

1300с.

435216

Таърифи адиб

ҚОДИРИЙ

и адиб

1936 йилнинг бoshларида «В.И. Ленин» журнализда

Тошкент вилояти
«ГУРОН» кутубхонаси

ТОШКЕНТ
АБДУЛЛА ҚОДИРИЙ НОМИДАГИ ХАЛҚ МЕРОСИ НАШРИЁТИ
2004

Абдулла Қодирий. /Тўпловчи ва нашрга тайёрловчи Хондамир Қодирий/. — Т.: Абдулла Қодирий номидаги халқ мероси нашриёти, 2004. — 32 б.

Бу мўъжазгина тўплам Абдулла Қодирий шахсияти ва ижодини янада мукамалроқ тушунишимизга катта ёрдам беради. Шунингдек, у адибнинг таланти ва ижод маҳорати сирларини ўрганишда тадқиқотчиларга ва кенг китобхонлар оммасига муҳим манба бўлиб хизмат қилади деган умиддамиз. Ушбу тўплам адиб таваллудининг 110 йиллигига бағишланади.

АБДУЛЛА ҚОДИРИЙ

ББК 83.3(5у)

Тўпловчи ва нашрга тайёрловчи: Хондамир Қодирий.

Тақризчи: Асқар Мусақулов, филология фанлари доктори.

Абдулла Қодирий — Жулқунбой 1894 йилнинг баҳорида Тошкент шаҳри Бешёғоч даҳа, тўртинчи Эшонгузар маҳалласида дунёга келди. Отаси Қодир бобо йигитлик чоғларида хонларга сарбозлик ҳамда савдо билан шуғулланган, кейинчалик, кексайгач, боғбонлик қилиб кун кечирган. Онаси Жосият биби уй бекаси бўлганлар.

Қодирий ўз таржимаи ҳолида шундай ёзади: «Бошда бой оилада туғулдимми ёки камбағал оиладами, албатта билмадим. Аммо ёшим етти — саккизга еткач, қорним ошқа тўймаганидан, устим тузукроқ кийим кўрмаганидан аниқ билдимки, беш жоннинг томоғи фақат саксон ёшлиқ бир чол отамнинг меҳнатидан, 1300 саржин боғнинг етишдируб берадурган ҳосилидан келар экан. Агар баҳор ёмон келуб, боғ мевалари офатка учраб қолса, биз ҳам очлиққа дуч келиб, қиши билан жоврашиб чиқар эканмиз...»

Бинобарин, ёзувчининг ёшлик йиллари хийла аянчли кечади, эски мактабларда бошланғич билим олиш ҳам тартибли бўлмайди. Шунга қарамай, Қодирийнинг билимга, адабиётга қизиқиши асло сўнмайди. Кейинчалик — 1908 йили Тошкентда рус-тузем мактаби очилгач, унда ўқиб, билимлардан бирмунча кўпроқ хабардор бўлади. 1912 йили рус-тузем мактабини аъло баҳолар билан битиради ҳамда Тошкент генерал-губернатори Самсоновнинг кумуш соат билан тақдирлашига сазовор бўлади.

Мактабни тугатгач, мануфактура билан савдо қилувчи бир бойнинг дўконида приказчик (мирза) бўлиб ишлайди ва бир қатор зиёлилар билан танишади. Ўз билимини ошириш учун Кўкалдош, Абулқосимхон мадрасаларида таҳсил олади ва шу орада дунёда матбуот, газета, журнал деган гаплар борлигини эшитиб, уларга хабар, мақолалар ёзиб юриш ҳаваси туғилади. Ёш ёзувчининг ижодий фаолияти ана шу йўсин бошланади.

Абдулла Қодирийнинг ижоди тез камол топди. 1914 — 16 йиллар мобайнида «Бахтсиз куёв», «Жувонбоз», «Улоқда», «Жинлар базми» каби қатор жиддий, бадиий жиҳатдан пишиқ асарларни яратди.

Абдулла Қодирий 1917 йил феврал инқилобидан сўнг оддий халқ милициясига, орадан бир ой ўтиб, Тошкентнинг Эски Жўва даҳасида очилган озиқ-овқат қўмитасига мирза бўлиб ишга киради. Сўнг фаол матбуотчи бўлиб ишлайди. Тошкентда чиққан «Иштирокиюн», «РосТА» (ўзбекча) газеталарида адабий ходим, мухбир бўлиб фаолият кўрсатади.

Абдулла Қодирий «Муштум» журнаlinesи йўрғақлаб, бешигини тебратган адиблардан. Журналнинг 1-сонини 1923 йил 13 февралда чиқди. Унинг биринчи саҳифасини Жулқунбой «Муштум таърифида» сарлавҳали мақоласи билан бошлаб берган эди. Унда ҳажв журнаlinesининг дастури

белгилаб берилди. Айтишларича, «Муштум» деган номни ҳам Абдулла Қодирий топиб қўйган экан.

У кишининг «Калвак Маҳзумнинг хотира дафтаридан», «Тошпўлат тажанг нима дейди?» ва бошқа ҳажвий ҳикоялари билан журнални бир неча йил жонлантирган муаллиф эканликларига иқрор бўламиз.

1924 йилда Абдулла Қодирий Москвага бориб, Валерий Брюсов номидаги собиқ Иттифоқ Давлат журналистлар институтида таҳсил олади. Бир йил ўтгач, оилавий шароит танглигидан Тошкентга қайтиб келади ва «Муштум» журналинда штатсиз мухбир бўлиб ишлай бошлади.

Абдулла Қодирий йирик ҳикоянавис, фельетончи, мақоланавис бўлиш билан бирга, бадиий қиммати ва тарихий аҳамияти беқиёс замонавий асарлар яратади. Адиб 1917—18 йилларда «Ўткан кунлар» романи учун материал йиғишга киришади. 1922 йилда биринчи ўзбек романининг дастлабки боблари «Инқилоб» журналинда босилади. 1925—26 йилларда «Ўткан кунлар» уч бўлим ҳолда китоб бўлиб нашр этилади.

Абдулла Қодирий аввалда мураккаб ҳаёт кечирган, бу мураккабликларни санъаткорона ўрганиб, ўзлаштирган. Табиийки, билим олиш, билим орттириш мутолаасиз бўлмайди. Абдулла Қодирий биринчи галда Шарқ адабиётини мукаммал ўрганган адиб. Шу билан бирга Ғарб адабиётини ҳам пухта эгаллаган эди. Ана шу икки буюк мактабда олган чуқур билими ва тажрибаларини ўз ижодида моҳирона қўллай олганлиги унинг асарларини севиб ўқилишига омил бўлган бўлса, ажаб эмас. Бу фикрларни Қодирий шундай тасдиқлайди: «Модомики, биз янги даврга оёқ қўйдик, бас, биз ҳар бир йўсунда ҳам шу янги даврнинг янгиликлари кетидан эргашамиз ва шунга ўхшаш дostonчилик, рўмончилик ва ҳикоячиликларда ҳам янгариишга, халқимизни шу замоннинг «Тоҳир — Зухра»лари, «Чор дарвеш»лари, «Фарҳод — Ширин» ва «Баҳромгўр»лари билан танишдиришга ўзимизда мажбурият ҳис этамиз».

Хулоса, Абдулла Қодирий «Ўткан кунлар» романи билан ўзбек адабиёти майдонида янги даврни, янги мактабни бошлаб берди. Унда халқимизнинг онгини оширишга, тарихини тиклашга, ўзбекона ахлоқ-одоблар ва расму удумларни авайлаб асрашга, нафосатини намоён этишга эришди. Асарларининг ўқишли бўлишига яна бир сабаб — уларнинг омма савиясига қараб ёзилишидир.

1926 йилнинг бошларида «Муштум» журналинда Қодирийнинг «Йиғинди гаплар» номли ҳажвий мақолалари босилади. Мақола босилгач, Қодирий Ўзбекистон Жиноят Қонунлари мажмуасининг «Раҳбар ходимларни обрўсизлантириш...» моддаси билан қораланади. Уч ойлик маҳбусликдан сўнг унинг иши судга оширилади. Судда Қодирий ўзининг ҳақлигини исботловчи нутқини ўқиб

беради. Натижада чорасиз қолган суд ҳайъати Қодирийни озод этишга мажбур бўлади. Абдулла Қодирий уйига қайтгач, ҳужумат идораларига хизматга бормай, ижодга берилади. 1928 йил февраль ойида ўзининг иккинчи романи — «Меҳробдан чаён»ни ёзиб тугатди. Тарихий мавзуда яратилиб, чин инсоний муҳаббатни тараннум этувчи бу роман ҳам тезда ўзбек хонадонидан, кўнглидан жой олди.

Абдулла Қодирий 1932—34 йиллар мобайнида «Обид кетмон» қиссасини яратди. Бу қисса — шўро замони воқелигини акс эттирувчи асардир. Шу билан бирга, у ўзбек шўро адабиёти тарихида колхоз-қишлоқ ҳаётидан олиб ёзилган тўнғич улкан асар ҳамдир.

Абдулла Қодирий таржима соҳасида ҳам баракали ижод қилади. Гоголнинг «Уйланиш», Чеховнинг «Буқаламун», «Олчазор», ғарб ёзувчиларининг «Диний хурофотларга қарши мажмуа» асарларини ва яна бир неча илмий-оммабоп ўқув китобларини русчадан, татарчадан ўзбекчага ўгиради, кўпгина қардош ёзувчи — олимлар билан дўстона алоқада, ижодий ҳамкорликда бўлади. Жумладан, Садриддин Айний билан бир неча бор учрашади. 1932—33 йилларда Алексей Толстой ўз оиласи билан Тошкентга келганда икки марта Қодирийлар оиласида меҳмон бўлади. 1934 йили Қодирий Москвада ёзувчилар уюшмасининг I съездида делегат бўлиб қатнашиб, Максим Горький билан учрашади.

Абдулла Қодирий «йигит кишига етмиш ҳунар оз»

қабилдаги чинакам қўли гул, қалби қайноқ инсондир. Унинг асосий машғулоти ёзувчилик бўлса-да, боғбончилик ва меҳморчиликда ҳам ажойиб ҳунарга эга бўлган.

1930-йилларда Қодирий яратган боғ ўртасига шаҳарнинг таниқли усталари қўли билан пишиқ ғишдан икки қаватли шийпон қурилади. Шийпоннинг биринчи қавати қишин-ёзин ҳавоси мўътадил зал уй бўлиб, иккинчи қавати ўнта ғиштин устунлардан иборатдир, унда «қирқ улфат» бемалол жой олади, томи эса қубба шаклида оқ тунука билан чорқирра шаклида ёпилган. Шийпон ана шундай дид билан қурилгани сабаб, эл орасида «Жулқунбой шийпони», «Абдулла Қодирий боғи» деб ном чиқаради. Ўша пайтдаги машҳур олимлар, адиблар, санъаткорлар шу шийпонда йиғилишиб, суҳбатлар, мушоиралар, гурунглار уюштирганлар.

Машғум 1937-йиллардаги истибдод — Абдулла Қодирий ҳаётига хотима бўлди. Адиб ҳам бошиқа зиёлилар сингари тўхматга учраб, қамоққа олинди. «Менга қуйилган айбларни бошдан оёқ рад этаман. Ҳақиқат йўлида ҳеч қандай жазодан, қийноқдан қўрқмайман. Агар отмоқчи бўлсалар кўкрагимни кериб тураман...» деб даъват қилади. Маълумотларга кўра, Абдулла Қодирий 1938 йил 4 октябрда Тошкентда ўзининг бир қатор маслакдошлари билан қатағон қурбони бўлган. Бироқ Абдулла Қодирий таърифи — адиб, унвони — инсон, севгани — халқ, ҳаёти — абадий зот бўлиб қолгани ҳақиқат.

Хондамир Қодирий

Ҳабибулла Қодирий

ШАҲАР ҲОВЛИМИЗ. ҚОДИРИЙ ИЖОДХОНАДА

Шаҳар ҳовлимиз бирор таноб ерни ишғол қилиб, икки қисмга бўлинган эди: бир қисмида Раҳимберди ва Қудратилла амакиларим туришар, иккинчи қисмида биз яшар эдик. Аммо кўча эшигимиз битта эди. Бизнинг ҳовлимиз яна уч қисмга, яъни: ташқари (меҳмонхона), ўрта (биз яшайдиган), ичкари (молхона, ўтинхона)ларга бўлинар эди. Яшайдиган ҳовлимиз ўртасида бир туп олма, бир туп нок ўсар, ҳовли тевараги эса ошхона, омборхона, бобом ва бибимлар хонаси, болалар хонаси ва дадамнинг ижодхонаси каби бинолар билан ўралган эди. Уйларимиз эскича, синч деворли, лой томли, тахта полсиз қурилган эди. Куз келиб шаҳарга кўчиб тушиш вақти етганда шаҳар ҳовлининг ўзига яраша тайёргарлик ишлари бошланарди. Масалан: кўклам ёмғири билан тизза баравар ўсиб, ёзи билан қовжираб ётган том ўтларини, тўқай каби ҳовли бетини босиб кетган бурганларни ўриш, тозалаш, том ва девор, рехтларни тузатиш, суваш, оқлаш ва ҳоказо.

Шундай кезларда қўшнилариимизда яхши бир одат бўлар эди: то кўчиб тушиб жойлашиб олгунча, олдинроқ келган ёки шаҳарда қолган қўшнилари бир-бирларига меҳрибонлик қилиб, овқат пишириб чиқаришар эди.

Қўшнилари бирин-сирин даладан кўчиб тушадилар, ёзи билан мусичалар кукулашиб ётган ҳовлиларга файз

киради, куз ҳавоси қишга алмашиб, ёмғир кетидан изғирин, изғирин сўнгидан қор дегандек шаҳар ҳаёти бошланади, дадам ниҳоят уй-рўзгор ишларидан хотиржам бўлиб, ижодхонага кирадилар, аста-секин ёзув-чизувга қарайдилар...


Иқлимнинг ўзгаришиданми, ўша кезларда негадир қиш жуда қаттиқ келарди. Қор шу қадар кўп ёғардики, томдан кураб туширилган қорлар ҳовли ва тор кўчаларимизни тўлдириб юборарди, томни кураб, қор уюмлари устига бемалол сакраб тушаверардики...

Шундай чирсиллаган қиш кезларида дадам иссиқ сандалда ўтириб «Ўткан кунлар»ни ёзадилар...

Дадамнинг ижодхоналари ўн икки ёғочли, оқланган, кунгай, алоҳида тинч уй бўлиб, эшик, дераза, шип (тоқи)лари оч ҳаво рангга бўялган, токчаларига хитойи кўра, лаган, самовар, чойнак, гулдор патнислар қатор-қатор қўйилган; коса, пиёла, тақсимчалар қават-қават терилган; тахмонларга хон атлас кўрпа, кўрпача, пар ёстиқлар тахланган; узун деворга гилам қоқилган; ерга тўшалган бўйра устидан катта гулдор гилам ёзилган уй эди.

Сандал устида даста-даста узун камбар ёзув қоғозлари (дадам ўрганишданми, қоғоз тақчиллигиданми негадир кўпинча шундай камбар қоғозга ёзардилар), учлаб тайёрланган ўнлаб сиёҳ қаламлар, пачкалаб «Эпоха» попироси ёки тамаки, гугурт, кулдон турар эди. Қоғоз тагига қўйиб ёзиш учун эса қора, қалин муқовали катта журнал-дафтар бўларди.

Дадам сафарга, саёҳатга, сайлга борсалар, шу дафтар ичига қоғоз-қалам солиб ола кетардилар. Дафтар ичида, негадир тартиб билан рақамланган жуда кўп юпқа қоғоз бўларди. Бу қоғозларни биз «хитой қоғоз» деб атардик. Қачон мен варрак ясагим келса, шу қоғоздан бир-иккитасини тилаб олардим. Дадам ижодхоналарини озода, тартибли бўлишини хоҳлар, ҳатто токчада ўринсиз ёки қийшиқ турган буюм ҳам у кишига ҳалал бергандек, ғашига теккандек туюлар эди. Масалан, бир гал ижод чоғида қандайдир иш билан хоналарига кирганимда «ҳов анави токчада қийшиқ турган чойнакни тўғрилаб қўй», деб менга буюрганлари ёдимда...



Тошкент шаҳар Бешёғоч даҳа Эшонгузар маҳалласидаги ҳовли. 1894 йилнинг баҳорида мана шу ҳовлида Абдулла Қодирий туғилди. Шу ҳовлида «Ўткан кунлар» ва «Меҳробдан чаён» романлари ёзилди.

Дадамнинг ижодий ишлари сандалга ўтирган кундан бошлаб, дарҳол силлиқ юришиб кетавермас эди, албатта. Ёзи билан ёзмай қаламдан чиқиб қолган қўл бирдан ўз изига тушмай ёзувчини бир неча кун қийнар эди. Сандалга тирсакланиб қўлларида қалам, ўйланиб ўтириб-ўтириб биринчи кун ярим қоғоз ёзсалар — ёзар, бўлмаса йўқ, ўринларидан туриб кетар ва ҳовлига чиқиб юмуш қилиб юрган ойимга «қўл қаламдан чиқиб қолибди», деб кулар эдилар. Аммо ўзларини зўрлаб ёзув курсига қайта-қайта ўтираверар, иккинчи кун яна ярим қоғоз, учинчи кун бир қоғоз, сўнгги кунларда икки, уч қоғоз... шу тариқа аста иш юришиб кетарди.

У киши иш чоғида гўё ташқаридаги бирор шарпага кулоқ солгандай, чақнаган ўткир кўзларини узоқ бир нуқтага тикиб, бутун кучини фикрлашга йўналтирган каби жиддий, ўйчан ўтирар ва ўқтин — ўқтин қўйилиб келган фикр тўлқинларини тезроқ қоғозга тушириб қолиш учун шошилар эдилар. У киши шу қадар тез ва шахт билан ёзардиларки, ёзиш суръати стенограф тезлигида эди десам, балки муболаға бўлмас. Қаламнинг қоғоз узра юришини, «тўқ-тўқ» нуқта уришларини

эшик очик бўлса, қўшни хонадан ёки очик дераза орқали ҳовлидан бемалол эшитиш мумкин эди.

Бундай шиддат билан ишлаш бир-икки абзац ёки баъзан бир-икки — уч қоғоз тўлгунча тўхтовсиз давом этар, сўнг гўё кучли курашдан чарчаган каби бир неча дақиқа ўйланиб дам олар, чекар, аччиқ-аччиқ чой ичар, курси устидаги мева-чевалардан тотинар ва ҳаёл суриб яна ёзувга киришардилар, баъзан мен дадам билан жуда сўзлашгим келиб қолса, секин эшикни очиб мўралардим. У киши менга эътиборсиз ёзаверардилар, мен бўлсам қараб тураверардим. Ниҳоят, ёзувни бир ерга етказардилар-да:

— Ҳўш, нега келдинг? — деб сўрардилар.

— Ўзим...

— Кел, ўтир, деб чақирардилар. Сандал устидаги апелсин, олма, қора майиз, ёнғоқ мағизларидан едириб бир оз «суҳбат»лашардилар-да, чиқариб юборар ёки «Муштум» журналинини бериб, жим томоша қилиб ўтиришни буюрар эдилар.

У киши баракали ижод қилган кунлари иш охирида қоғозларни санаб кўриб «бугун ҳосил дуруст», деб кулиб қўярдилар.


Акмал Акромов

МАКТАБДА



1912 йил. Абдулла Қодирий
мадраса талабаси

Қодирий ёшлигида Самарқанд дарбоза маҳалласида очилган янги усулдаги рус-тузем мактабида, сўнгра Абулқосимхон ва Кўкалдош мадрасаларида билим олди.




Тошкентнинг Бешёғоч даҳасидаги Абулқосимхон мадрасаси

Менинг отам савдо билан шуғулланарди. 1906 йил бўлса керак, бўш ётган болаҳоналик ташқари ҳовлимизда (йилига минг сўм ижара тўлаш, уй таъмирини ўзимиз қилиб бериш шарти билан) ерли халқ болалари учун «Русско-туземная школа» (рус тақлидидаги бошланғич мактаб) очилди. Очилиш маросимида Тошкент генерал-губернатори Самсонов қатнашди. Мактаб очилишга очилди-ю, талаба йиғиш онсон бўлмади. «Ўрис бўлиб кетади», деб кўп ота-оналар болаларини бизнинг мактабга юбормас, юборганларни «ўғлингни ўрис қилмоқчимисан», деб қийишар, айнатишар эди. Шу сабабли мактабимизда дастлабки йилларда талабалар жуда оз, борлари ҳам бири келиб, бири кетиб, тез-тез ўзгариб турар эди. Иккинчи ёқдан маҳалладагилар «Уйида ўрис мактаб очиб берди», деб дадамдан хафа бўлишар эди.

Мактабимиз тўрт йил муддатли бўлиб, иккитагина ўқитувчимиз бор эди. Бири Алижон исмли домла бўлиб, бу киши диний дарслар, тажвид (Қуръонни ўқиш қоидалари), форс тили ва ҳуснихат ўргатар эди. Иккинчиси, Леонид Дмитриевич Пудовкин исмли домла эди, буниси рус тили қоидаси, сўзлаш, ҳуснихат ва илми ҳисоб ўргатар эди. Мактабнинг асосий вазифаси ерли халқлардан русча ёзув-чизувни билувчи, фасих (реторик) сўзлаша олувчи приказчик (бойлар дўқонида савдо қилиш учун) ва таржимон идора ходимлари етиштириб чиқариш эди.

Абдулла иккимиз бир партада тўрт йил ўтириб, мунтазам илм олдик. У вақтларда мен Абдулланинг ёзувчиликка бўлган ҳавасини, қобилиятини пайқа-



Рус-тузем мактабининг ўқитувчилари: Алижон домла Ражаб ўгли — диний илмлардан, араб ва форс тилидан, Леонид Димитриевич Пудовкин — рус тили қондаси, сўзлаш, хуснихат ва илми ҳисобдан дарс берган.

маганман. Аммо Абдулла дарсларда илғор ва ёшликдан меҳнаткаш эди. У ўқишдан бўшаган ва таътил кезларида қариб қолган отаси ёнида боғ ишларига қарашар, Раҳимберди акаси билан васса бозорига тушиб, тоқи йўнишар эди. Баъзан дарс чоғида у «буни қара, Акмал», деб меҳнатдан қавариб қадоқ бўлиб кетган қўлларини менга кўрсатар эди.

1912 йил кўкламида фақат иккимиз биринчи бўлиб мактабни тугатдик. Хадрадаги (собик Ҳамза театри қаршисидаги бир бойнинг ҳовлисида) «1-сон русско-туземная школа»га бориб, иккимиз имтиҳон топширдик. Имтиҳон чоғида генерал Самсонов иштирок этди ва имтиҳонларни аъло даражада топширганимиз учун иккимизга ҳам биттадан кумуш соат мукофот беришди...


Султон Содиқов

ШИРКАТДА

Инқилобнинг биринчи йили фирқага янги кирган кезларим эди. У чоқларда Тошкентда гадо, қаландар, маддоҳлар кўп бўларди. Улар куни билан бозорларни тентиб, ҳазрати Ғавсил Аъзам, Баҳовуддин номларини талқин қилиб, нон, пул, мева-чева йиғар эдилар-да, Ҳожимбемалолнинг такиясида (Чорсудаги эски ҳаммом орқасида) тўпланишиб жами бемазаликларни қилиб ўтиришарди, на оила ғамини ер, на сиёсатни тушунар, на дунёда нима бўлаётганини билар эдилар. Эски шаҳар фирқа кўмитаси менга ана шундай бекорчи дайдиларни йўқотиш, уларни ишга ўргатишни топширган эди...

Бир куни атайлаб мулла Абдуллани бошлаб, шу такияга кирдим. Чой чақириб, Абдулла билан сўзлашиб ўтирдим. Гадоё, қаландар, маддоҳлар таряк — кўкнор ичар, иккинчиси наша чекар, яна бириси оғзига келганни ўтлаб, хангома сўқир эди. Мен уларни кўрсатиб мулла Абдуллага:

— Бу бекорчи сабилларни йўқотиш керак, ишга жойлаш керак, — дедим.



1922 йил. Абдулла Қодирий ўғли Ҳабибулла билан

«Биз жасорат сўрар эдик. Лекин бериш қаерда — жасоратимизнинг қолган-қутқанини ҳам олмоқ муддаосида эдилар. Биз сўз эркинлиги сўрар эдик. Лекин тилимизни тек-тугидан кесмоқчи эдилар. Жасорат биткан эди, тил кесилган эди... Юрагимиздаги бир оз умидни истисно қилганда бошқа нарсалар юлиниб-юлқинган эди...»

Ниҳоят: ғўғон ва ноаларимиз арши аълоларга етканда умидимиз қуёши истиқлол туғди. Жасорат бугмагарларининг оёғлари осмондан, тил қассобларининг манфур гавдалари жаҳаннам тегидан келди.

Истиқлолдан биз бошлиқча жасорат олдиқ. Сўз эркинлиги олдиқ. Чиндан ҳам буюк истиқлолнинг бизга берган емиши жасорат эмасми эди!..»

«Жасорат айб эмас!» ЖУЛҚУНБОЙ. 1922 йил, 1 июл.

— Кошки эди, — деди Абдулла, — йўқотилса катта иш бўларди, илож қани?

— Ширкат (артел) очамиз, уларни ишга тортамиз, ёрдам берасан... — дедим.

Абдулла кўнди. Чорсу билан Эски намозгоҳ ўртасидаги жарликда Боқижонбойнинг пахта заводи бўлар (Боқижонбой инқилобдан кейин заводни ташлаб кетган) эди. Ана шу заводни наматчилик ширкатига айлантирдик. Мен раис, Абдулла саркотиб бўлиб иш бошладик. Ҳар куни икковимиз Ҳожибемалолнинг такиясига тушиб ҳалиги бекорчи гадо-қаландарларни ишга ундаймиз, ташвиқот қиламиз, Абдулла бўлса эълон ёзади, қўлида қоғоз-қалам ишга борадиганларни рўйхат қилади...

Обидқори Каримов

«ЖУЛҚУНБОЙ ГАП ЁЗИПТИМИ?»

1919—1920 йиллар бўлса керак, Тошкентда «РосТА» газетаси чиқар эди. Сиёсий, ижтимоий, тарбиявий аҳамиятга эга бўлган бу газета босмахонада йирик араб имлосида бир ёклама босилиб, негадир дўконларда сотилмас, кўча-кўй бурилиш жойларга, масжит дарбозаларига ёпиштириб қўйилар, йўловчилар тўхтаб ўқиб ўтар эдилар. Абдулла Қодирий — Жулқунбой шу чоқлардаёқ танилган ёзувчи, «РосТА»да унинг қизиқ-қизиқ мақола, фелетўнлари босилиб турар эди.

Қодирийнинг танқидий, сиёсий, адабий аҳамиятга эга бўлган мақолалари мазмундорлиги, равлонлиги, ҳаётийлиги билан кўнгилга тез ўтирар, шу

Шундай қилиб, ширкатимиз бошда бир оз ривож топмай турса ҳам, кейинчалик жуда гуруллаб кетди. Даромад дуруст бўлгани учун улар бир-бирини «тортиб» кела бошладилар. Кўп гадо, қаландар, маддоҳлар ўз ҳунарларини тарк қилиб, ширкатда ишлаб кетдилар. Ширкатимиз янги барпо бўлган давлатимизга ҳам яхши фойда берди. Ҳукумат аскарларининг отларига тўқим тайёрлаш учун намат зарур эди...

Инқилоб йилларида ходимлар оз, Абдуллага ўхшаш ўқиш, битиш, русчага чечанлар ҳамма ерда етишмас эди, шу важдан Абдулла мен билан уч-тўрт ой ишлагач, бошқа юмушга чақириб олинди ва мен ҳам бир-икки йил шу ширкатда ишлагач, Фарғона област фирқа комитетига тайинланиб кетдим...

жиҳатдан у бошқалардан кескин ажралиб турар, халқ тарафидан севиб ўқилар эди. Мен ўша вақтларда бир намозхон, ўқитувчи йигит эдим. Тўғриси айтганда, Қодирий ёзган ана шу тиниқ, ажойиб фикр-мулоҳазалар, дастлабки вақтларда менинг дунё-қарашимнинг ўзгаришига зўр таъсир кўрсатган десам муболаға бўлмайди.


Отам — Каримқори руҳоний киши эдилар: ўзлари Кесакқўрғон маҳалламизнинг имоми бўлган бўлсалар ҳам тараққийпарвар, очиқ фикрли, намозга чиққанларида масжит дарбозасига ёпиштирилган «РосТА» газетасини кўзойнак тақиб ўқир ва бошқаларга ҳам ўқиб эшиттирар эдилар. Баъзан менга: «Бу Жулқунинг қургур, зап тутилмаган қизиқ гапларни топиб ёзади-да, ўзи қозоқми?» дердилар. Гоҳо қариликдан намозга чиқа олмаган вақтларида хумор қилиб сўрардилар:

— Обидқори, бугун масжидга янги газет ёпиштирибдиларми?

— Ҳа.

— Жулқунбой гап ёзибдими?

Мен газетанинг мазмунини баён қилиб берар эдим, у киши завқланиб тинглар эдилар...



«1913 йилда «Садойи Туркистон», «Самарқанд», «Оина» газеталарига менда гап ёзиб юриш фикри уйғонди... «Падарқуш» пьесаси таъсирида «Бахтсиз кув» деган театр китобини ёзиб юборганимни ўзим ҳам пайқамай қолдим. «Жунонбоз» отлиқ ҳикояни ёзиб, ношир топилмаганидан ўзим нашр қилиб юбордим. Энди чин мусанниф бўлдимов деб қувонар эдим».

Абдулла Қодирий «Таржимаи ҳол», 1926 йил

ЖАСОРАТЛИ АДИБ

«Муштум» журнали Абдулла Қодирий билан Ғози Юнус томонидан 1923 йил феврал ойида ташкил топилди. Журналнинг 1-сонига бош мақола ёзган ҳам Абдулла Қодирий бўлди. Абдулла Қодирий ҳар нарсанга танқидий назар билан қарар, хурофот, бидъатларга ғоятда қарши эди. Унинг ҳар бир сўзидан ҳажвий ифода анқиб турар эди. Ғоятда жасоратли, ўз сўзида устивор ва барқарор, ғоятда заковатли эди. Ўрни келганда юқори даражадаги кишиларни ҳам танқид қилишдан чўчимас эди.

У ҳар бир образнинг ўзига яраша сўз танлай билар, ким тўғрисида ёзадиган бўлса (масалан, «Калвак маҳзум», «Тошпўлат тажанг») худди ўша шахснинг ўзи бўлиб кетар эди. Бунинг учун ўша типдаги кишиларнинг бутун ички сирларидан огоҳ бўлиш керак, албатта. Фавқулудда заковатга ва жасоратга эга бўлган бу ёзувчи мазкур типдаги шахслар орасида юриб, ҳар бири билан суҳбатлашишдан тортинмасди: катта амалдорлар билан ҳам, уламо-муллалар билан ҳам, бориб турган қиморбоз, беданавоз, чапанилар билан ҳам, зўр ўғрилар билан ҳам, эшонлар, муридлар, сўфийлар, дарвешлар, қаландарлар билан ҳам, кўкнори ва бангилар билан ҳам гаплашаварар эди.



1923 йилнинг феврал ойида «Муштум» журналининг нашр этилиши ўзбек матбуоти тарихида унутилмас воқеа бўлди. Журнал асосчиларидан бири Абдулла Қодирий «Муштум таърифиди» номли мақоласи билан журналнинг биринчи саҳифасини очиб берди.



1924 йил. Ўтирганлар (чапдан ўнгга) Комилжон Алимов, Абдулла Қодирий, Шокиржон Раҳимий, Қаюм Рамозон ва бошқалар.

«... Биз ҳақиқат ўтининг учқунимиз, биз тескариликнинг, капиталнинг, эгрликнинг душманидирмиз, биз риоясизлик, андешасизлик, ошна-оғайниларни сийла-маслик хунарининг энг авжиди турамиз...»

«Матбуот куни».
Жулқунбой, «Муштум»,
1924 йил, 2-сон.



Халқ унинг асарларини ғоятда қизиқиб ва севиб ўқир, янги асари босилиб чиқишини орзиқиб кутар эди. Босилиб, дўконларга чиқиши билан минг-минг ўзбек, тожик, қозоқ, қирғиз ва татарлар навбатга тизилишар эди.

У бир мақола ёки ҳикояни ёзишга ўтирганда, ўшани ёзиб тугатмасдан ўрнидан туриб кетмас, баъзан узун кечалари ёзавериш тонг оттириб юборар эди. Бу аҳволини мен унинг ўз сўзларидан англар эдим.

Абдулла Қодирийнинг ўзбек адабиётига хизматлари беназир бўлиб, фавқулудда маҳоратли, жасоратли ва заковатли бир адиб эди.

МУШТУМ

(Ҳабибулла Қодирий хотираларидан)

Албатта, «Муштум» журнали ташкил бўлиб чиқа бошлаган кунлариданоқ дарҳол ривож топиб кета қолмайди. Ҳали газета-журнал ўқишга одатланмаган халқ уни дарҳол тушунмайди, қадрламайди, ҳатто бой, эшон, мутаассиб кимсалар «Муштум» ўқишни тақиқлайдилар. Биринчи вақтларда уч—беш минг нусха босилган «Муштум» сотилмай дўконларда чанг босиб ётади. Бундай ҳол «Муштум»чиларни чандон ўйлашга мажбур қилади, олдиларига жиддий, муҳим вазифа қўяди: қандай бўлмасин «Муштум» сифатини ҳар жиҳатдан яхшилаш, ўқувчилар оммасини жалб қилиш лозим эди. Бироқ, биринчи вақтларда «Муштум» ёзишғувчилари ҳали жуда оз, борлари ҳам талабга жавоб берарли эмас эди. Бинобарин, барча қийинчилик асосан икки кимсага — Жулқунбой билан Ғози Юнус устига тушади. Улар бир томондан ўз тажриба-маҳоратларини ошириш, «Муштум»боп янги-янги асарлар яратиб журналхонларни мамнун қилиш устида қайғурсалар, иккинчи ёқдан, ўзгаларнинг хом материалларига ишлов бериш, тузатиш билан ҳам жиддий банд бўладилар.

Қодирий «Ёзишғучиларимизга» номли мақола-ларидида ҳажвчилик сирлари, танқидчилик шартлари, кулги йўллари хусусида сўзлаб журналга мақолалар ёзиб юборувчи қаламкашларга ўғит берадилар, ўз асар-ларидан мисол келтириб таҳлил қиладилар, ёзиш-ғучиларни «Муштум»да янада фаолроқ қатнашиб туришга даъват этадилар:

«Муштум» ўзининг ёзишғучиларининг самими-ятини, дардини яхши биладир. Чунки дард бўлмаса, самимият бўлмаса биз подачини қўлида калтаги билан



1924 йил. Абдулла Қодирийнинг «Муштум» журналидаги сафдошлари: 1. «Муштум» журнаlining масъул муҳаррири Ғози Юнус. 2. Абдулла Қодирий — Жулқунбой. 3. Абдулҳамид Сулаймон — Чўлпон. 4. Ақром Усмоний. 5. Мусаввир Иоган Тулъя

Уртоқлик ҳазили (Шарж). «Муштум» тугулди.



Қаландар, Тулъя ва Жулқунбой унга мураббий бўлиб келдилар.

кўрмас эдик... Бундан сўнг «Муштум»ни кичкина қилиб чиқариладир. Аммо сиз сизмай қолишдан кўрқмай ёзганларингизни бизга йўллай берингиз. Ёзишғучи суфиларимизда ҳунар бўлса, хонақоҳ ҳеч бир вақт торлик қилмас. «Муштум» эскича ўғирлиқ, жаҳолат, залолат ва ғайри-лар билан курашини давом эттиради. Бироқ, мундан сўнг ул тилга — санаътка, адабка риоясини том қилиб қўлидан келганча ёш талант-ларни шу доирада ўсдиришга ти-ришадир...»

Шундай қилиб, Қодирийнинг машҳур «Калвак маҳзумнинг хотира дафтари»дан, «Тошпўлат тажанг нима дейди?», «Шарвон хола нима дейди?», «Эшонларимиз», «Тошканд бойлари» каби қатор ҳажвий асарлар туркуми яратила бошлайдики, бу асарларни «Муштум»хонлар писанд қиладилар, завқ билан ўқийдилар, давомини кутадилар. Шу йўсин «Муштум» журнали «қизийди», ўқувчилар сони оша боради, нусхаси



ҳам кўпаяди, халқ «Муштум»нинг чиқишини орзиқиб кутадиغان бўлади.

«Муштум»нинг биринчи вақтларда шуҳрат қозонишига Қодирийнинг қанчалик ҳисса қўшганлигини ўша вақтларда босилган баъзи мақолалардаги шу қисқа сатрлардан ҳам англаш мумкин:

«Фарғона» газетасининг 1924 йил 181-сонида журналист Лутфулла Олимий ўзининг «Ҳажвият майдонида» номли мақоласида «Муштум»нинг топган эътибори ва кўп тарқалиши Жулқунбойнинг ўткир қалами биландир» деб таъкидлаб ўтади.

«Муштум»нинг 1924 йил 4-сонида Қодирий суратини шарж (ўртоқлик ҳазили) қилиб чизишиб, сурат тагида «фелетунлар қироли — Жулқунбой — Абдулла Қодирий — кулдуриб йиғлатадир, йиғлатиб кулдурадир», деб ёзишади.

«Қизил Ўзбекистон» газетасининг 1925 йил 116-сонида бир неча ёзувчиларга қарата ёзилган матбуот ҳазилида Қодирийга ҳам бир шарж тўқилади: «Жулқунбой, ҳаммани уриб қулоғини қилдинг кар...» деб ўтилади.

«Муштум» журнали танқидда шундай мақомга эришдики, душманлари муштумчиларга ҳар қадамда шикаст беришдан тоймайдилар. Қодирий уларга қарши ўз мақоласида шундай ёзди: *«Тошканднинг эски, хасис, мурдор бойларидан машҳур Бешболабойлар борку... улар жуда ҳозир чулдираб юрубдирлар. Уларнинг қиладирган иши йўқми, билмадим, кишининг қўлида «Муштум» журнали кўрсалар қутирган итдек кўзлари чақнаб, муштира кетар эканлар... Почча! Сизни деб бошқалар ўлиб кетмасинлар тагин!..»*

«Муштум», 1924 йил, 23-сон.

МОСКВАДА

Ўша йилларда Москвага кўпгина ўзбек зиёлилари, раҳбар ходимлар ўқишга ва билим оширишга борганлар.

Улар орасида ўша вақтда «Қизил Ўзбекистон» газетаси ва «Муштум» журналларида муҳаррирлик қилган Комилжон Алимов ҳам бўлган. Комилжон Алимов дадам билан бирга ўқиб, аввал ёнма-ён, кейин бир ҳужрада (квартира)да яшаган. Алимовнинг рафиқаси Ҳайриниса Ҳакимова (1901 йилда туғилган) ўша йилларда Москвада бўлган чоғларини хотирлаб шундай ҳикоя қилади:

«Ёз ойлари эди. Ўртоғим Комилжон Москвага ўқишга борадиган бўлди-да, мени бирга ола кетди. Москвада биз кўп қаватли зўр бир бинода кўндик. Бинонинг биринчи қавати узун коридор, икки томони қатор ҳужра хоналар эди. Шу ҳужралардан бирида биз турардик, ёнимиздаги ҳужрада эса Жулқунбой яшардилар.

Мен Жулқунбойни авваллари кўрмаган, эшитмаган эдим. Гарчи ёнма-ён турсак ҳам бошида бир неча кун

у кишидан (умуман эркаклардан) қочиб юрдим. Кейин ўртоғим мени эркаклардан қочмасликка буюрди. Шундан сўнг уйимизга Акмал Икромов, Мирмуҳсин Шермуҳаммадов, Абдулҳай Тожиев, Муҳиддинқори Ёқубов (булар ҳам Москвага ўқишга боришган), Жулқунбой ва бошқа шу каби тошкентликлар баъзан йиғилишиб ош қилишиб, суҳбатлашиб кетадиган бўлишди.

Жулқунбой вазмин, тортинчоқ, бўш вақтларида доим ҳужраларида ёзиб-чизиб ўтирар эдилар. Бир куни мен нимадир иш билан ҳужраларига кирсам, у киши кир ювар эдилар... Эркак кишининг кир ювиши менга жуда ғалати туюлди ва ачиниб, ўртоғим орқали айттириб, кирларини ювиб берадиган, хоналарини тозалаб қўядиган бўлдим ва кейин-кейин овқатларини ҳам пишириб, бирга таомланадиган бўлдик. Биз Тошкентдан қозон-товоқ, мош, гуруч ғамлаб ола келган эдик. Жулқунбой кўпинча: «Мошкичири қилинг, келинойи» деб, илтимос қилар эдилар...»



Абдулла Қодирий маҳалладоши Низомиддин мулла
Ҳусайн ўғли билан. Москва, 1925 йил



Абдулла Қодирий 1924 йилнинг ёзида Москвадан «Муштум» журнаliga хатлар ёзиб турди. «Муштум!» Ҳузуригидан чиқар чоғимда менга берган ваколатинг ҳамон бўйнимда тумордир. Бироқ, сипоришингни қайси йўсун билан бажаришга ҳайронман. Чунки Масковнинг барча ишлари олимпиа, санга ярарлиқ ерини тутиб бериш қийин: кўз тиниб бош айланган, мия ишламайди... Сўзни нимадан бошлаб ёзишга ҳайронман: «Масковнинг мирзақирон чиллакилари»нинг савдоси билан умргузаронлиқ қилғучи баъзи бир ўқу-ғучиларимизнинг «бири бит, бити сирка» бўлмаганидан ёзайми, ундан бунга савдо-сотиқ учун келиб, қаёқдаги тутуриқсиз шилингопча гўзаллардан шатта еб Масков кўчаларида саланглашиб юрган коммерсант акаларимизнинг ҳаётидан ёзайми? Ҳар ҳолда миям ўзимга келгунча кутиб турчи...»

«Муштум», 1924 йил, 7(26)-сон

ТОШПЎЛАТ ТАЖАНГ...

(Ҳабибулла Қодирий хотираларидан)

Китобхонлар эътиборига сазовор бўлган Абдулла Қодирий асарларидан яна бири «Тошпўлат тажанг нима дейди?» ҳажвиясидир. Бу асар ҳам 1924-27 йиллар орасида «Муштум» ҳамда «Қизил Ўзбекистон» газетаси саҳифаларида давомли босилган.

«Тошпўлат тажанг...» ҳам «Калвак маҳзум» каби қаҳрамон тилидан ёзилган бўлса ҳам мавзу эътибори билан тамоман ўзгачадир. Бу асар услубан на қисса, очеркка ва на ҳикоя, новеллага ўхшайди. У чапанилар ҳаётидан ёзилган қандайдир ўзига хос кулги — ҳангома.

Тошпўлат, ёзувчининг ўз таъбирича, «Ишсиз, бири бит, бити сирка бўлмаган ва шу фақирлик орқасида ўғрилиқ ва фаҳшият денгизида сузиб, тажангланган холис бир чапанидир». У саводсиз, тарбиясиз, меҳнатга бўйни ёр бермаган; одам ўлдиришдан тортиб ҳамма ёмонликларни қилиб кўрган қиморвоз, беданавоз, ичкиликбоз, нашавоз бир шахс.

Иккинчи ёқдан Тошпўлатда чапаниларга хос мардлик ва камбағалпарварлик сезилади. У қандайдир ҳақиқат излагандай бўлади. Ўзининг тугал содда фикрлари ва холисона ҳақ гаплари билан жамиятдаги баъзи шахсларнинг ноҳуя ҳаракатларини, қилмишларини очади ва ўқувчини кулдира боради...

1968 йилнинг қиши эди, «Тошпўлат...» ҳангомасига доир шундай қизиқ бир учрашув бўлган:


Бир кун мен Тошкентдаги 10-шаҳар касалхонасида навбатчи бўлдим-да, беморлардан ҳол сўрагани, кечки пайт бўлмаларни айланиб юрдим. Дард чекиб ётган беморларга докторнинг икки оғиз ширин сўзи ёки енгил мутоябаси ҳам зўр эм ҳисобланади... Бўлмалардан бирига кириб, аҳвол сўраб, бир бемор танишим билан «икки оғиз» кулишиб чиқарканман, эшик ёнидаги каравотта ўтирган нотаниш бир бемор менга:

— Доктор, тўхтанг! — деди.

Мен тўхтадим, бемор мени ўз ёнига ўтиришга ишора қилди. Ўтирдим. У оғир касалга ўхшамас, етмиш-етмиш беш ёшли, юзлари чечак изли, тилла тишли, озгин, бўйдор киши эди.

— Анави киши билан суҳбатингиздан пайқадим... — деди бемор менга, — сиз, Жулқунбойнинг ўғлимисиз? — Ҳа, амак, — дедим.

Бемор негадир бир оз хаёл суриб қолди ва бош чайқаб ўзича кулиб қўйди. Мен унинг қандайдир жиддий гапи борлигини пайқадим ва «хўш» дегандай унга қарадим. Бемор қўлларини каравот четларига тираб бир оз кучлангандай бўлди ва яна кулди:



Абдулла Қодирий танқиднинг хосияти ҳақида шундай дейди: «Матбуотгагина эмас, ҳаётнинг ҳар бир кўчасига кириб юргучи ва аксар ўз сўзини ўтказгучи «танқид» отлиқ чапаннома бир махлуқ бор. Бу махлуқнинг холиқи ҳаётнинг ўзи ва лекин отасига йўлбошчилик қилади. Чунки ҳаётнинг узоқ муддатлик тажрибалари ва аксар хатолари ана шу ўз сузлик, аччиғ тиллик нафсоният, ғараз ва шахсият оғриқларидан тоза «танқид» маҳдумни туғдирғандир. Ҳаётни янгидан-янг муваффақиятларга судрагучи, маърифат деган муаммонинг калиди, маданият дунёсининг бешиги ана шу «танқид»дир».

— Отангиз бир вақт газетада мени роса боплаганларда...

Мен ҳайрон бўлдим.

— Қандай?

1924—1925 йилларда мен молияда налогбоши — инспектор бўлиб ишлаганман... шунда отангиз: «Халққа ноҳақ солиқ солдинг!» деб «Тошпўлат тажангда...»да мени танқид қилган эдилар...

Бу сўздан (ўқиганлар балки хотирлар) мен дарҳол «Тошпўлат...»даги «қийиқ қоғоз, беш сўм налог ва тегирмончилик» хангомаларини хотирладим. Беморнинг барча сифат ва исм-фамилияси «Тошпўлат...»да тасвирланган каби эди... Негадир мен бир оз ўнғайсизланиб жим қолдим. Бемор қушиб қўйди:

— Сиз у вақтларда ёш бўлгансиз, балки бунини ўқимагандирсиз?

— Ўқиганман, хотирлайман, — дедим ва сўрадим: — Ўша танқид ҳақликми эди?..

— Ҳақли эди...

— Балки, дадамдан ҳалигача ранжиб юрасиз?

— Йўғ-э, ўзимиз чиндан ҳам «давр келди» деб, кулочни кенг ёзиб юборган эдик-да... Энди, орадан қарийб эллик йил ўтди, у воқеалар бир хотира бўлиб қолди.

— Кечирасиз, — дедим мен енгил тортиб ва яна сўрадим, — ўша танқиддан сўнг сиз бирор маъмурий жазога тортилдингизми, йўқми?

— Жазо-ку тортмадим. Аммо танқиддан кейин Тошкентдан кўчиб кетишга, узоқ йиллар бошқа шаҳарда яшашга тўғри келди.

— Нега?

— Негаки, халқ ўртасида кулгига қолиб, бир оз иснод орттирдик-да...



Абдулла Қодирий: «Калвак маҳзумни ўқинг; кўбдан ҳақиқий ҳаёт билан алоқаси узилган, мадраса хурофоти билан мияси ғўлаган холис бир маҳалла имомини кўрасиз. Тошпўлатни ўқинг; ишсиз, бири бит, бити сирка бўлмаган ва шу фақирлик орқасида ўғирлик ва фаҳшият денгизида сузиб тажангланган бир чапанни кўрасиз...»

Бу кунда кулгулик — ҳажвиётнинг чин эгаси йўқлигидан фойдаланиб «сув йўғида — таяммум, эшагига яраша — тушови» деганларидек, марди майдон сифатида иккир-чикирлар ёзиб «арзимаса-да, арзитарсиз» умидида келаман. Келасидаги кулгулик боғимизнинг булбули эмас — зарғизғони, гули эмас — тикони бўлмоғимни-да иқрор этаман. Гул ёғочида бошлаб чечак эмас тиканак ўсадирким, энг ози шу ҳолни кузатиб ажзимни иқрор қилишқа мажбурман. Биноан алайҳи сўзим қўпол, муомалам дағал, латифам аччиғ мутоябам хунук; кулдуриб йиғлатиш, ачитмай туқуниш ҳунарлари манда йўқ. Шул ҳунарсизлигим орқасида холис пандларимдан, кирсиз туқунишларимдан ҳаёлий натижалар, шайтоний мақсадлар чиқаришга тиришкучи фаттойи қафшлар оз эмаслар. Лекин мян ўшандай шумшук маҳдумлардан сатқи хафалик қиламан. Чунки шу кунгача маним мезоним виждоним бўлуб келди, бундан сўнг ҳам жиловим ўшанинг қўлида. Демак, маним истиқболим таъмин қилинғандир. Қоро ниятлик киши мохов бўлғай. Ўзрим шул: тиласанг йиғла, тиласанг кул!

Фазлиддин Ҳошимов

БОҒ ҚЎШНИМИЗ

Бизнинг ҳозирда ҳам яшаб турган уй-боғимиз «Зангиота» маҳалласида бўлиб, бир ёнимизда Эшонгузар ва иккинчи ёнимизда Самарқанд дарбоза маҳаллалари жойлашган. Қодирийлар боғи бизнинг боғдан тахминан етти-саккиз боғ нарида, эшигимизни ҳамиша босиб ўтганлари учун тез-тез у киши билан кўришиб, сузлашиб турар эдик.

Мен 1908 йилда туғилганман, саккиз-ўн ёшли чоғларимни эслайман. Бу чоғларда Қодир бобо юз ёшларга яқинлашган, соқоллари оппоқ оқарган, елкаси чиқиб қадди чўккан, кулоқлари оғирлашиб

қолган, лекин ҳали тетик, юришлари шахдам эди. У кўклам чоқларида эрта билан ёлғиз ёки ўғли Раҳимберди ака билан сигир ҳайдаб боққа ўтар, кечкурун эса катта бир боғ ўтми, ўтинми орқалаб шаҳар ҳовлига томон ўтар эди. У вазмин, камгап, ерга қараб юрар, салмоқлаб сўзлар эди. Баъзан Қодир бобо кўча эшигимиз олдида дадамиз билан учрашиб қолса саломлашар, ундан-бундан, айниқса, боғбончилик илмидан сузлашар эди. Бир гал Қодир бобонинг дадамга: «Ҳозир илик узилди вақти, Ҳошимхўжа, йўғон-ингичка тортиб, ингичка узиладиган пайт!» деганлари ёдимда.

Мен 1924—29 йиллар миёнасида Наримонов номли таълим-тарбия техникумида (ҳозирги «Мустақиллик майдони» метроси ёнида) ўқир эдим. Хадрадаги трамвай тўхташ жойида болалар даста-даста газета ва «Муштум» журналини кўтариб юриб, баланд овоз билан қичқириб, мақтаб сотишар эди. Шунда сотувчи болалар «Бугунги сонда Жулқунбойнинг ҳам мақоласи бор» деб қўйишса, кўпчилик югуриб келиб, ҳатто трамвайдагилар ҳам тушиб газета-журнал сотиб олишар эди.

1926 йил эди, ҳозирги ТЮЗ театри биноси ўрнида Тошкент эски шаҳар партия комитетининг кенгайтирилган актив мажлиси бўлди. Мажлисида ўша даврнинг илғор кишилари, жумладан, Абдулла ака ҳам қатнашдилар (Бу мажлисга мен эски шаҳар ёшлар ташкилотидан вакил бўлиб қатнашган эдим). Мажлис икки кун давом этди. Мажлисида қўрилган масала асосан битта, яъни паранжи ташлаш масаласи... Бироқ, бу масалада мажлис қатнашчилари икки гуруҳга бўлинган

эди: бир гуруҳ «Аввал аёлларни ўқитиб, онгини ошириб, кейин паранжисини ташлатиш керак», деса, иккинчи гуруҳ «Паранжисини аввал ташлатиб, кейин ўқитиш керак», деб тортишар эди...

Мажлисдан чиққач, Абдулла ака билан бирга қайтиб кела туриб, мазкур тортишув тўғрисида у кишининг фикрини билмоқчи бўлдим ва савол бердим. Абдулла ака жавоб қилдилар:

— Паранжи ташлашга онг-билимнинг алоқаси йўқ... Агар аёлларнинг онг-билимларини ошириб, кейин паранжини ташлатамиз дейилса, бу пишмайдиган ош бўлади... Ундан ташқари паранжида ўқишга қатнаб билим олиш ҳам қийин...

Шу мажлисдан кейин «Муштум» журналида бир мақола ва карикатура босилиб чиқди. Мақоланинг мазмуни ёдимда қолмаган, аммо карикатура шундай чизилган эди: иккита паранжилик аёл, бириси трактор, иккинчиси трамвай ҳайдаб кетишяпти.

Адабиёт дунёсида икки турлик танқид бор: жиддий танқид ва ҳажвий танқид. Жиддий танқид ўзининг қўзатқан нишонаси устида ўзгаришлар ясаसा ҳам, аммо кўпинча авомга мажхулроқ бўлиб ўтади. Айтиш мумкинки жиддий танқид баҳс қилинган масаланинг ўз аҳлига, яъни юқори табақа — зиёлиларга махсус кабидир. Ундан сўнг, жиддий танқид турмушнинг ҳар бир бурчакига кириб юриш учун ҳам таназзул этолмайди. Бу жиҳат билан қаралсада, у оммавийлик хусусиятидан йироқдир.

Танқиднинг иккинчи хили бўлган ҳажвийни (сатира маъноси билан) оммавий дейилса бўлади. Чунки, кулки танқид турмуш бўлиб учқучи бургутдир. Ҳаёт шаронтига ярамаган заиф, қизғанч, манфур, музир ва шунинг сингари унсурлар унга емдир.

Ҳажвий танқид авомнинг руҳига яқин ва унинг ҳис эткан, аммо ифода қила олмаган масалаларига таржимондир. Хулоса: ҳажвий танқиднинг табиъатидаги кулгулук унсури авомнинг маҳбуби, тағин тўғриси, унинг ўз ижодидир.

Ғайратий

БОСМАХОНАДА

Мен 1924—25 йилларда Эскижўва маҳалласидаги биринчи босмахонада ишлар, мусаҳҳиҳлик қилар эдим. «Ўткан кунлар»нинг биринчи, иккинчи бўлимларини нашр қилишда иштирок этганман. Романнинг қўлёзмаси «Турон» кутубхонасида ишловчи Абдулла Носировнинг ровшан дастхати билан пешма-пеш қўлимизга келиб тушарди. Абдулла аканинг ўзлари ҳам матбаага тез-тез келиб, босмага ёрдамлашиб турар эдилар.

Шунда бир ҳол ёдимга: романнинг биринчи бўлими босмага ҳозирланиб, ҳатто бирмунча нусха чоп ҳам қилинган эди. Бўлим бошлиғимиз Аҳмедов, бир кун тўсатдан романни босиш тўхтатилсин деб қолди. Биз ҳайрон бўлдик. Абдулла ака шу чоқларда Фарғонадами, Москвадами эканлар, китобдан сигнал нусха олиб ўқиб кўриб, дарҳол босмахона мудир Бекқуловга телеграмма юборибдилар. «Романнинг 1-бўлимини босиш мен боргунча тўхтатиб турилсин. Муҳим хатоликка йўл қўйилган». Уч-тўрт кундан кейин Абдулла ака келдилар. Маълум бўлишича, романнинг «Кутилмаган бахт» боби охирида Отабек, Қумушларнинг қандай бир-бирлари билан кўришиб қолганлари ҳақидаги изоҳ — тафсилот қисми кимнингдир айби билан тушуриб қолдирилган (қўлёзманинг ўша ери йўқолган) экан. Абдулла ака йўқолган ерни тиклаб берганларидан сўнг, ишимиз юришиб кетди.



Ёзмоқга ниятланганим ушбу — «Ўткан кунлар», янги замон рўмончилиги билан танишиш йўлида кичкина бир тажриба, яна тўғриси бир ҳавасдир. Маълумки, ҳар бир ишнинг ҳам янги — ибтидоий даврида талай камчиликлар билан майдонга чиқиши, аҳллариинг етишмаклари ила секин-секин тузалиб, такомулга юз тутиши табиий бир ҳолдир. Мана шунинг далласида ҳавасимда жасорат этдим, ҳаваскорлик орқасида кечатурган қусур ва хатолардан чўчиб турмадим.

Мозийга қайтиб иш кўриш хайрлик, дейдилар. Шунга кўра мавзун мозиждан, яқин ўткан кунлардан, тарихимизнинг энг қирлик, қора кунлари бўлган кейинги «хон замонлари»дан белгуладим.



1925 йилнинг ёзларида бўлса керак, босмахонадан бўшаб ўқитувчилик ва «Муштум» журналида штатсиз мухбирлик қилиб юрдим. Чамаси Абдулла ака «Ўткан кунлар»нинг охириги бўлимини ёзиб битириб ўқишга берган эканларми, ҳар ҳолда бир кун идорадаги баъзилар Кумуш қабрига битилган шеър ҳақида Абдулла акага эътироз билдиришди. Абдулла ака олдинги вариантда қабр тошига Фузулийдан бир байтни кўчирган эканлар...

*Ҳамроҳим эдинг бу йўлда эй моҳ,
Ҳамроҳни ташлаб кетарми ҳамроҳ...*

Улар бу байтни ўзгартиришни, ўз асарларига ўз шеърлари бўлса яхши жаранглашини маслаҳат беришди. Маслаҳат Абдулла акага маъқул тушди шекилли кўп кун ўтмай:

*Аё чарх, этдинг ортуқ жабр бунёд,
Кўзим ёшлиғ, тилимда қолди фарёд.
Ҳаётим лоззатидан аюрдинг,
Ёқуб жоним, кулим кўкка совурдинг, —
шеърини ёзиб келдилар.*

*Бу китобни бир марта эмас, беш марта ўқиш керак.
Шунда сиз муомалани, одобни, тарихни, ҳаётни, тилни
ўрганасиз.*

Эргаш Рустамов

ЎЗИГА ХОС УСЛУБДА

Профессор Евгений Эдуардович Бертелс* менинг устодим, кандидатлик ёқлаш ишимда менинг илмий раҳбарим эди. Иш юзасидан маслаҳатлар олгани Москвага, унинг уйига тез-тез бориб турардим. Бир гал, 1954 йил куз ойлари эди, устоднинг уйига бордим, суҳбатлашиб ўтириб гап Абдулла Қодирий устида тўхтади. Мен Қодирий тўғрисида устод фикрини билмоқ учун бир неча саволлар бердим.

— Мен Қодирийнинг «Ўткан кунлар» романини 1925-26 йилларда Тошкентдалигимда ўқиганман. У улуг романчи, — деди устод ва ўрнидан туриб жавондаги китоблар орасини тимискилаб иккита китоб олди. Жойига ўтираркан китобларни менга узатди. Китоблар, иккиси ҳам менга таниш, жадид (ислоҳ этилган араб) алифбосида босилган, «Ўткан кунлар» ва «Меҳробдан чаён» романларининг биринчи босмиси эди. Китобларнинг кўп саҳифалари ҳошиясига устод қўли билан баъзи ўзбекча сўзларнинг русча маънолари ва қандайдир бошқа бир хил изоҳ, ишоралар ёзилган эди. (Бу китоблар ҳозирда ҳам унинг кутубхонасида салқанади. Э.Р.) — Эрон, турк, араб ёзувчиларининг ҳам кўпгина романлари бор. Лекин уларники услуб жиҳатдан инглиз, француз, немис романчилик мактабларидан жилла фарқ қилмайди (уларда тақлидчилик бор), — деди устод сўзида.

— Абдулла Қодирий ҳам кўпгина романчилик мактабларидан чуқур ўрганган бўлиши мумкин. Аммо унда тақлидчилик кўринмайди. Қодирий романлари

бугун таркиби билан ўзига хос услубда ёзилган ўзбек романларидир. Дунёда бешта, яъни: француз, рус, инглиз, немис ва ҳинд романчилиги мактаблари бор эди. Энди, олтинчисини, яъни ўзбек романчилик мактабини Абдулла Қодирий яратиб берди, — деди.

* * *

Бир вақтда мен Москвада Максим Горький номидаги Дунё адабиёти институтида қозоқ ёзувчиси Мухтор Авезов билан тасодифан учрашиб қолдим (тахминан вафотидан бирор йил бурун эди, шекилли). Уни «Москва» меҳмонхонасига кузатиб, суҳбатлашиб бордим. Табиийки, суҳбатимиз адабиёт ҳақида эди, гап Абдулла Қодирийга бориб тақалди...

— Абдулла Қодирий — Жулқунбой юксак романлар яратди. Унинг романлари 20-йилларда, гўё текис саҳрода тўсатдан Помир тоғлари вужудга келгандай пайдо бўлди. Қодирий асарларини Қурмонғози ёки Чайковский куйларини тинглагандек дам олиб ўқийсан киши... Гарчи Жулқунбой 20-йиллар бошида матбуотда газетчи, публицист бўлиб танилган бўлса ҳам, унинг романларида газетчилик, журналчилик тили сира из қолдирмаган. Унинг тили равон, ширали, мусиқий, менимча, ҳамма Ўрта Осиё халқларига ҳам таржимонсиз тушунарли, — деди Авезов ва илова қилиб қўйди, — масалан, биз қозоқлар Жулқунбой асарларини таржимасиз ҳам бемалол ўқиб тушунаверамиз...

*Е. Э. Бертелс (1890-1957) Таниқли шарқшунос олим. Ўзбекистон Фанлар Академиясининг фахрий аъзоси. Токентда кўп вақт яшаган, САГУда дарс берган.


Мен ҳар куни Худога тўққуз мартаба осий бўлиб, ўн саккиз мартаба тавба ва истиғфор айтаман. Исёним бепоён бўлганидек истиғфорим ҳадсиз ва лекин исёнсиз қолган соатимга жуда оз учарман! Бас, онглағилким эй Акмал! Тавбага бўйин буккан банда, бандаларнинг энг ярамасидир, қуллик бунёд қилган расво, расволарининг яна ашаддий расвосидир. Ўз бутунлигини сақлай олмаган бошқага эн бўлаоладир деган гапни ҳеч бир китобда учратолмадим. Айтмакчиманки, тавбаси бошини есин, сен бўлсанг ишиндан қолма, отингни чуҳ, де! Ҳақиқат олдида бўйин эгиш товбадир, ўзгаси ровбадир.

ТАНҚИДГА МУНОСАБАТ

(Ҳабибулла Қодирий хотираларидан)

Дадам 1926 йилнинг 18 июнида эркинликка чиқиб, 20 июнда Тошкентга қайтадилар.

Кейинги чоқларда мулла Зайниддин амаки билан суҳбатлашиб билишимча, дадамнинг ҳибсдан тез чиқариб юборишларига Охунбобоевнинг ўзи ҳам бош қўшган. «Жулқунбой ҳазил қилиб, тўғрисини ёзган,




«Сўзим охирида адл судлардан сўрайман, гарчи мен турлик бўхтон, шахсият ва сохталар билан, ҳам онглашилмовчиликлар орқасида иккинчи оқланмайдурган бўлиб қораландим. Лоақал уларнинг, қораловчи қора кўзларнинг кўнгли учун бўлса ҳам менга энг олий бўлган жазони бера кўрингиз. Кўнглида шамси ғубороти, тескаричилик мақсади бўлмаган содда, гўл, виждонли йигитка бу қадар ҳўрликдан ўлим тан-сиқроқдир. Бир неча

сиқроқдир. Бир неча шахсларнинг орзусича маънавий ўлим билан ўлдирилдим. Энди жисмоний ўлим менга кўркунч эмасдир. Адл судлардан шуни кутаман ва шуни сўрайман».

1926 йил. Қодирийнинг суддаги нутқидан

тахсил кўрмаганман, ўқишим керак, жавобгар қилманглар уни», дейди. Бу сўзларда жон борга ўхшайди. Охунбобоев арбоб эди. Арбоб кибрсиз, адоватсиз, гина-кудуратсиз, ҳасадсиз, ҳар бир ишга (гарчи ўз шахсига тегишли бўлса ҳам) ҳаққоний баҳо берувчи одил кимса бўлмоқлиги қадимдан айтиб келинади. Зеро бу сифат — хислатлар арбобни янада улугвор, халқ эътиборига сазовор қилади. Ахир, Охунбобоев отанинг халқ тарафидан ҳамиша севилиб келиши ҳам шундан эмасми? Ота, дарҳақиқат, «Мени танқид қилдинг» деб Қодирийга гина-адоват сақламайди. Улар, баъзи хотираларимда ёзганимдек, сўнгги чоқларга қадар бир-бирлари билан самимий муносабатда бўладилар.



Абдулла Қодирий Москвада бир йил ўқиб ватанига қайтди ва «Муштум» журналида «Йиғинди гаплар» номли ҳажвиясини эълон қилди. Унда раҳбар ходимлар танқид қилингани учун «Раҳбар ходимларни обрўсизлантириш...» моддаси билан Қодирий жиноий жавобгарликка тортилди. Уч ойлик сўроқ-терговлардан сўнг у ўзини оқлаб эркинликка чиқди, лекин матбуот ва жамоат ишларидан йироқлаштирилди.

Бир миллатнинг ҳар бир соҳада туткан мавқеъи маданиятидаги даражасига, яъни савиясига қараб ҳукм қилинса ҳам, аммо ҳажвиётдаги даражаси бунга қарамайди. Миллатнинг кулгулик даҳоси аксар ўшал қавмининг интибоҳ тарихининг қалдирғочи бўлиб кўринадир. Масалан, Италияда — Данте, Испанияда — Сервантес ва Россияда — Гогол каби. Чунки даҳоларни етиштиргучи бош омил бузуқ шароит эди.

Раҳмат Азизхўжаев

ЭШОНГУЗАР МАҲАЛЛАСИДА

Тошкентнинг Себзор даҳасига қарашли қишлоғида (ҳозирги Тошкент вилояти Қибрай тумани) боғимиз бўлиб, отам Азизхўжа боғдорчилик — деҳқончилик қилар, кўлимдан келганча мен у кишига ёрдамлашар эдим. Қишда эса, шаҳар ҳовлимизга кўчиб тушиб (Тошкент шаҳар, Қози кўча маҳалла) ўқиш, билим орттириш билан машғул булар эдим.

* * *

1928 йилнинг қиш чиқиши эди шекилли, бир кун Абдулла ака биз тўрт-беш техникум талабаларини уйга чорлаб келиб, янги ёзиб тамомлаган «Меҳробдан чаён» романларидан нусха кўчиришга ҳашар қилдирдилар. Биз меҳмонхонада қатор қўйилган хонтахталар ёнида тизилишиб ўтириб, кўк сиёҳ қаламда нусха кўчирдик. Абдулла ака кўлзмадан боб-боб қилиб ҳар биримизга бўлиб бериб турдилар. Кўлзма дона-дона, чиройли, равшан ёзилган бўлиб, ўқилиши раво, кўчириб ёзилган жойлари деярли йўқ эди. Бу нусха кўчиришга иштирок этганлардан Ҳамид Сулаймон, Фазлиддин Ҳошимов, Мансур Ризқийлар ёдимда қолган...

Биз «Меҳробдан чаён»нинг босилиб чиқишини кутиб юрар, роман эса чиқиш арафасида эди. Бир кун кечга томон Эскижўвада тасодифан Абдулла акани учратиб қолдим. Билишимча, у киши ўша ердаги биринчи босмахонадан чиқиб келар эканлар. Кўришиб қасққа кетаётганлигимни сўрадилар. «Уйга» дедим.

— Бўлмаса вақтингиз бор экан, юринг, бир жойга меҳмонга борамиз — дедилар.

— Раҳмат, Абдулла ака, — дедим мен ўн-ғайсизланиб, — у ерда тенгқурларингиз... сиз билан бирга бориш қандай бўларкин...

— Бу аҳамиятсиз... — Абдулла ака қўл силкиди ва трамвай бекати томон мени бошлаб кетдилар, — борадиган еримиз гапхўрлик, мени меҳмон тариқасида таклиф этишган. Ёлғиз ўзим боришга эриниб турган эдим, яхши кўриниб қолдингиз, далда бўлиб бориб келамиз...

Трамвайга ўтириб Тахтапул томонга кетдик.

— Хабарингиз борми, Раҳматулла, «Меҳробдан чаён»нинг босмадан чиқиши яқинлашиб қолди. Мана, корректураларини ўқияпман, — дедилар. Трамвайда борарканмиз, қўйинларидан романнинг бир даста корректурасини олиб кўрсатдилар. Мен дарҳол араб алифбосидаги корректураларни қўлга олиб кўрдим. Корректуралар кичкина китоб формасида эди. Биринчи романларини катта форматда ўқиб ўрганиб қолганимиз

Агар Фарҳоднинг Ширин, бўлса Мажнунларнинг Лайлоси,
Насиб ўлмиш менга гулшан аро гулларнинг Раъносини.

(Мирзо)

Агар ор этса Лайли ҳақлидир Қайснинг жунунининг,
Не бахт, Раъно, харидоринг талаб аҳлининг мирзосини.

(Раъно)



1929 йил. «Меҳробдан чаён» китобхонлар қўлида

учун бу формат ёқмагандек бўлди. Мен эътироз билдирдим.

— Нега бу китобингиз «Ўткан кунлар»никига ўхшаш бичимда бўлмади?

— Сиз Горькийнинг «Она» романини кўрганмисиз? — сўрадилар ва жавобимни кутмаёқ давом этдилар. — «Она» романи ана шундай кичик бичимда босилган. Биз аввалда билмаган эканмиз, роман аслида шундай кичик бичимда бўлиши керак экан...

Биз Тахтапулда трамвайдан тушиб, Кайковус анҳори яқинидаги бир ҳовлига юзландик. Уй эгаси бизни мамнун кутиб олди. Тахта зинадан кўтарилиб, ҳашаматли катта бир уй-болохонага олиб кирди. Катта хонада йигирма беш — ўттиз чоғли меҳмонлар ўтиришарди. Истикбол қилиб ҳаммалари кўзғалишди, кўришилгач, юқоридан жой кўрсатишди, ҳол-аҳвол сўрашилиб умумий гап бошланди.

Мен шуни англадимки, борган уйимиз эгаси Ваҳоб ака исмли киши бўлиб, Абдулла аканинг ошналари экан. Билишимча, Ваҳоб аканинг акасими (ҳар ҳолда яқин кишиси) Эшонгузар маҳалласида яшаб, Абдулла ака билан гапхўр экан. Шу туфайли Ваҳоб ака ҳам Эшонгузар, ҳам Тахтапул маҳаллаларида гап ер экан.

Бу гал Ваҳоб ака Тахтапул маҳалласидаги оғайниларига гап бераётган бўлиб, баъзи гапхўрлар илтимоси билан Абдулла ака у ерга меҳмонга таклиф қилинган эканлар...

Кимдир, кексароқ, басавлат бир киши, чамаси Абдулла акага эски таниш экан, ҳазил қилди:

— Ваҳобжондан эшитдик... ёзаётган янги романингиздан баъзи жойларни гапда ўқиб берибсиз... Биз Ваҳобжонга «Агар Жулқунбой келиб, бизга ҳам ўша янги ёзаётган китобидан ўқиб бермаса, гапингга келмаймиз», дедик...

Кулишдик. Шўрвадан кейин, «Қани эшитайлик», деб таклиф қилишди. Абдулла ака ёнларидаги ҳалиги корректураларини олиб, варақлаб «Баримта» ва «Қўрқинчли бир жасорат» бобларини очиб менга узатдилар. Мен ўқидим.

Ёдимда, ўшанда ҳамма жим ўтириб тингларкан, Раҳим, Шарифларнинг аҳдлашишига келганда, кимдир, серзавқ киши бўлса керак «О яшаворларинг, эр йигитлар, мардлик мана бунақа бўлади-да!» деб юборди ва Анварнинг Худоёрхон билан тахт қаршисида учрашувига келганда, «Барака топ, йигит, қойил жавоб қилдинг!» деб тиззасига шарт уриб қўйди.

Ўқиш бир-икки соат давом этди. Сўнг асар «муҳокамасига» ва ундан тарихий воқеаларга, турли кўрган-кечирган хотиротларга, аскияларга, пайровга ўтилди. Қарийб тун ярмида меҳмондорчиликдан чиқдик.

* * *

Шу (1928-1929) йиллар бўлса керак, техникумда бирга ўқийдиган Фулом Саидвали исмли отасиз етим курсдошим билан бир кун Абдулла аканинг шаҳар уйларига бордик. Меҳмон қилдилар. Суҳбатлашиб ўтирдик. Суҳбат асноси Абдулла ака Фулом ва унинг

оиласи ҳақида сўраб қолдилар. Ошдан сўнг биз кетишга чоғландик. Абдулла ака бизни кўчага кузатиб чиқдилар. Биз ўттиз-қирқ одим йироқлашган эдик, орқамиздан Абдулла ака «Фуломжон, бери келинг!» деб чақирдилар. Фулом орқасига қайтди. Мен «Нима ишлари бор экан?» деб аста йўлимда давом этдим... Бир вақт Фулом орқамдан етиб келди. У бир оз изтиробли, йиғламсираган ҳолатда эди. Мен «Нега чақирган эканлар?» деб аста сўрадим. У бир оз жавобсиз борди-да, ўпкалангандек деди:

— Ҳали сен Абдулла акага отасизлигимни чакки айтдингда!

— Нима бўлди?

Фулом камзулининг чўнтагидан бир червон пул оларкан, жилмайганча кўрсатди:

— Абдулла ака бердилар...

Мен дарҳол Абдулла аканинг нима учун Фуломни алоҳида чақирганликлари ва пулни яширинча берганликлари сабабини тушундим. «Ёрдамингни яширин қил, ўзга билмасин», деган оқиллар сўзи бор...

— Биров пул берса, — дедим, вазиятни тушуниб турган бўлсам ҳам ўзимни билмасликка олиб, — нега ранжийсан, хурсанд бўлиш ўрнига?..

— Тўғри, ўртоқ, лекин бундай ҳолларда киши негадир ҳам хурсандликдан, ҳам хўрликдан йиғлагиси келар экан...

— Қўявер, хафа бўлма, ошнам, сен — мен талабамиз. Талаба қар вақт пулга муҳтож. Буни Абдулла ака ўзлари ҳам бошларидан кечирганлар... ўзлари айтганлар... Ҳа, энди биласанми, бу бир червоннинг беш сўм қирқ тийинига бир «мавзер» соат, уч сўм йигирма тийинига эса бир «скороход» ботинкасини оласан. Қолганини чой пули қиласан.

Яхши билиш керакким, қалам — ўқлоғи, матбуот — кетмон бозори эмас. Йўсунсиз равишда хотирға келган ҳар бир сўздан жумлалар тўқимоқ фазилат саналмайдир. Сўз қолиб, фикр унинг ичига қўйилган гишт бўлсин. Қўбчилик ҳумдонидан пишиб чиқғач, янги ҳаёт айвонига асос бўлиб ётсин.

Сўз сўйлашда ва улардан жумла тузишда узоқ андиша керак, ёзғучининг ўзига тушуниб, бошқаларнинг тушунмаслиги катта айб. Асли ёзғучилиқ, айтмакчи бўлган фикрни ҳаммага баробар англата билишда, орага онглашилмовчилик солмаслиқдир.

Ҳабиб Нуъмон

ЮРГАН ЙЎЛЛАРИДА ҲАМ...

Мен Абдулла ака яшаган Самарқанд дарбозага яқин Сузук ота маҳалласида яшар эдим. Бир куни 1925-26 йиллар бўлса керак, эрталаб Чорсу томонга кетаётган эдим, Абдулла акани кўриб қолдим. Унинг расмини кўрганим бор эди. Чамаси у киши тинчроқ деб Сузук ота маҳалласи томонидан кетаётган бўлсалар керак. Кетларидан қадамба-қадам боравердим. У киши бир хилда қадам босиб, ҳеч қаёққа қарамай кетар эдилар. Андижон маҳалласига етганда (ҳозирги Мирлар маҳалласининг ярми илгари Андижон маҳалласи эди) муюлишда бирдан тўхтаб қолдилар. Орқаларидан бораётиб мен оз бўлмаса туртиниб кетаёздим. Ёнларидан блокнот олдилар-да, тез-тез бир нарсаларни ёзиб, ўзларича мамнун илжайиб қўйдилар. орқаларидан эргашиб Чорсугача бордим. У киши трамвайга ўтириб ишларига, мен ўз юмушимга кетдим. Энди билсам, улуг адиб юрган йўлларида ҳам ўйлаб кетар эканлар, бир нарса эсларига келиб қолса, вақтни ўтказмай дарҳол ёзиб қўяр эканлар. Бу ёзувчиларга хос одат.

«Ўткан кунлар» романи ҳақида Сотти Ҳусайннинг «Шарқ ҳақиқати» газетасида танқидий мақолалари кетма-кет чиқиб турган пайтлар эди. Май ойининг бошлари бўлса керак, Сузук ота маҳаллалик Усмон Муҳаммаджонов билан Чўпонотага кетаётган эдик. Абдулла аканинг боғига яқин борганимизда Усмон ака, «юр, Жулқунбойнинг боғига кириб бирпас гаплашиб ўтамиз», деди. Мен Абдулла ака билан суҳбатлашиш уёқда турсин, шу пайтгача сўзини ҳам эшитмаган эдим. Севиниб «хўп» дедим.

Абдулла ака оёғига эски этик, эгнига эски чопон кийиб олиб ер чопар эдилар. Бизни кўриб кетмонни қўйдилар-да, сўрашиб шийпонга таклиф қилдилар. Шийпон икки-икки ярим танобча келадиган боғнинг ўртасида бўлиб, у ердан атроф боғлар, кўчалар, Бўзсув қирғоқлари, ҳатто Кўкча даҳасидаги боғ-роғлар ҳам кўзга ташланиб турарди. Гуллар очилган, булбуллар сайраган сўлим палла. Шийпондаги суҳбат узоқ чўзилди. Усмон ака Абдулла аканинг боғ қўшниси бўлиб, ёши ҳам тенг, бир-бирларини сансираб гаплашар, ҳазил-

мутойиба қилиб кулишарди. Мен уларнинг суҳбатини вужудим билан берилиб тинглардим. Ниҳоят гап газетанда босилаётган танқидга келиб тақалди. Усмон ака савдо ходими бўлса ҳам адабиётга қизиқар, гарчи



1929 йил. (турганлар) чапдан ўнгга: Санжар Сиддиқ, Аъзам Аюбий, (ўтирганлар) Абдулла Қодирий, Митина, Шафиулин, Назиров, Элбек, Холодовский, Елифанов

Абдулла акага берган саволи дағалроқ туюлса ҳам, лекин ўртоғига хайрихоҳлиги сезилиб турарди.

— Бу, Абдулла, дейман, «Ўткан кунлар»ингни Сотти Ҳусайн газетанда роса боплаяпти-ку?..

— Ҳа, танқидчи ёмбнламай, мақтасинми? — дедилар Абдулла ака.

— Сен индамайсан... жавоб қилмайсан ҳам...

— Қани, у айтадиганини айтиб бўлсинчи, бир гап қилармиз...

— Нима қиласан, китобингни тузатасанми?

— Тушунмайсан, Усмон, — деди Абдулла ака жиддий, — танқидчи ёзаверади... Масалан, шу шийпонни олайлик: бунини мен ўз дид-таъбимга мувофиқ курганман. Энди биров келса-да: «Эй, Абдулла, менга шийпонинг маъқул тушмади, манавиндай қуришинг керак эди», деса, «хўп» деб бузиб қайтадан қуришим керакми?..

Усмон ака Абдулла аканинг жавобига қарши бир нарса дея олмади. Жавоб менга маъқул тушиб, завқландим. Яна анча ўтириб, сўнг қўзғалдик.

ОТАМ ЯРАТГАН БОҒ

(Ҳабибулла Қодирий хотираларидан)

Қўпчиликни бир нарса қизиқтиради:

— Абдулла Қодирий боғбончиликка, деҳқончиликка моҳир, ер чопишга жуда полвон экан, тўғрими?

Албатта бу савол кишиларни қизиқтириши мумкин.

Чунки, ёзувчилик ва деҳқончилик касблари бир-бирига ёндош эмас. Кетмон билан ер чопиш қайдаю, қалам билан асар ёзиш қайда! Қодирийнинг ўзлари ҳам «Қалам — ўқлоғи, адабиёт кетмон бозори эмас» деб ёздилар. Ёзувчи Ойбек эса «Абдулла Қодирий ақлий меҳнат эгаларига ҳар маҳал насиб бўлавермайдиган даражада жисмоний меҳнатга ўч киши эди», дейди ўз хотирасида.

Тўғри, у киши худди шу бир-бирига зид икки хислат эгаси эдилар.

1924 йилда Қодир бобом 104 ёшда вафот этдилар. 1926 йилда боғимиз учта ака-ука ўртасида бўлинди. Катта Раҳимберди амакимга камбағалроқ бўлгани учун бир таноб келадиган энг обод ва иморатли жойларни беришди. Кичкина Қадратилла амакимга ҳам бирор танобли узумзор обод жойлар тегиб, уй қуриб чиқиб кетдилар. Энг пойгакдаги бир ярим таноб чамаси келадиган биносиз, мевасиз ўнқир-чўнқир ўпқонзор ерлар эса бизга тегди.

Мирлар маҳалласининг бизнинг еримиз пойгагига қўшни уч танобдан мўлроқ қаровсиз ётган ери бор эди. Ўша йили дадам шу ерни ҳам маҳалладан олти юз сўмга сотиб олиб қўшдилар. Бу сотиб олинган ер ҳам пастлик, тепалик бўлиб юқориси кундузи одам юрса қўрқадиган қайроғочзор, пасти эса доим сув тошиб чимзор бўлиб деворсиз кучага қўшилиб кетган, кимсалар мол боқадиган тошлоқ ер эди. Дадамнинг олдиларида энди ана шу ерларни обод қилиш, турар жойлар қуришдек зўр вазифалар турар эди.

Дадам беш йил меҳнат қилдилар (Албатта, зарурат бўлганда уста-мардикор ҳам ишлатилди). Қуёш тифасида оқ қалпоқ, оқ камзул кийиб олиб махсичан тепа буздилар, замбилғалтаклаб тупроқ ташиб чуқурларни тўлдириб ер текисладилар. Қайроғоч тўнкаларини қазиб

— Абдулла Қодирийнинг боғи



Самарқанд дарбоза маҳалласидаги шийпон ва болахонали уй. Шу ҳовлида «Обид кетмон» қиссаси ёзилди



ер очдилар, тош тердилар, ўзлари ҳам қоп-қорайиб чўнкаб кетган эдилар. Қизик, у киши шу зайл куни билан меҳнат қилар эдилар-да, кечқурун ювиниб, кийиниб олгач то кечлик таом тайёр бўлгунча қўлларини орқаларига қилиб келиб, иш тепасида тўхтаб бугунги қилган ишларини томоша қилар, гўе у киши бутун зўр асар ёзганлару ўзлари ўқиб ҳузур қилгандек...

Дадамнинг бу меҳнатларини хотирласам «Обид кетмон» қиссасида ёзган шу сатрларини эслайман:

«Мулла Обид... фавқуллодда кетмон ва «даҳшатли» замбилғалтак билан тепага ҳужум бошлади. Ҳар бир замбилғалтакда ярим арава чоғлиқ хирмон тепанинг тупроғи кўчиб турарди. Бир кунлик иш натижасида ернинг анчагина сатҳини олган уч юзтача кичкина қабрчалар ҳосил бўлади. Тепадан ҳам мураббаъ ўн беш саржин чамаси янги ер очилади... Мула Обид кечакундуз тинмай ишлайди, чўпдек қотиб кетади, бурни сўрайиб қалади...» ва беихтиёр «ўзлари бошларидан кечирганлар-да, шунинг учун меҳнатни жуда завқли тасвирлайдилар, ҳатто киши қўлига кетмон олиб тепа бузгиси келади» деб ўйлаб қўяман...

Шу алфоз, хароб, ташландиқ ерлар тартибга солиниб, атрофига девор олинди, дарвоза қурилди. Шафтоли, олма, олча, гилос, ток, бедазорларга ва экинзорларга ажратилиб чиройли бир боғ ва ичинташин оқ тункавонли бинолар бунёд бўлди. Тепа тагидан боғни иккига бўлиб ўтувчи узун янги очилган ариқда сувлар шарқираб оқар, четларига қатор экилган қозиқтол ва боғ теварагига ўтказилган кўктераклар зўрайиб ўсиб, гўе зоғлар «учмаган» бу ерларда энди булбуллар наво қилар эди. Бу меҳнат завқи, самараси эмасми? Менимча, дадам шунинг ўзини зўр бир ижод деб билар эдилар...

Дадам шу боғни обод қилиш даврида ва умуман сўнгги йилларда ҳеч қаерда боғланиб ишламасдилар, фақат қиш кезларида «Меҳробдан чаён»ни ва «Обид кетмон»ни ёздилар. Бизнинг асосий ҳаёт манбаимиз эса боғдан, деҳқончиликдан оладиган мўл ҳосилимиз бўлди.

Бизнинг боғ обод қилиш йилларимиз (1926-1931) жуда мураккаб давр эди: ер ислоҳоти, паранжи ташлаш, саводсизликни тугатиш, динга қарши кураш, шўро сайловига ҳақли-ҳақсиз қилиш, қулоқ қилиш, колхоз тузиш каби компанияларнинг авж олган йиллари эди. Бу компанияларнинг ҳар бири ўз воқеаларига бой бир тарихдир. Маҳалламиздаги баъзи тушунмаган ғаразгўй «активист»лар «Жулқунбой бойиб кетди, уни қулоқ қилиш керак» деб юқори идораларга арз қилиб чиқувчилар ҳам бўлди. Бироқ раҳбарлар бу гапга бош чайқаб кулишарди.

1931 ёки 1932 йил бўлса керак, шийпонимиз қаршисидаги ярим танобдан мўлроқ ерга картошка эктик. Дадам тажрибали деҳқонлар билан маслаҳатлашиб, картошкани қайта-қайта чопиқ ва бароб қилиб, вақти-вақти билан сув оқизиб ҳиммат билан тарбия қилдилар. Шунда ёдимда, кимдир картошканинг пуштасига кўчанинг майда тупроғидан солинса ҳосил яхши бўлар экан деб маслаҳат берди. Бироқ дадам, «Кўча тупроғи халқники, уни уйга киритиб бўлмайди», дедилар...

Шу йил эккан картошка, сабзи, пиёз, шолғом, қовоқларимиз кўп ҳосил бердики, ўраларимиз,

ертўлаларимиз тўлиб, картошка, сабзиларни ер қазиб кўмишга тўғри келди. Ҳар замон мен бу деҳқончилигимизни хотирларканман, «Обид кетмон»ни эслайман...

Хотираларимда ёзганимдек, дадамнинг Исмоил Обидов номли бир эски татар дўтлари бўлар эди. У дадамдан ўн беш-йигирма ёш катта, ўзи 1904-1906 йилларда чиқарилган «Тараққий» газетасига муҳаррирлик қилган, адабий, ижтимоий, сиёсий анча билимли, юқори раҳбарлик ўринларида ишлаб ўша чоқлардаёқ шахсий пенсионер бўлган киши эди. У содда кийинар, кўзойнак тақар эди, баъзан-баъзан бизникига келиб дадам билан суҳбатлашиб кетар эди.

Иссиқ ёз кунлари эди. Бир кун пешин чоқларда, шийпон рўпарасидаги тепалик токзор ичига тоқлар ҳали ёш бўлгани учун экилган жўхори, мош, ловияларни дадам билан чопиқ қилар эдик. Исмоил Обидов эски қора чарм портфелини қўлтиқлаб аста кириб келди ва дадамнинг юқорида эканликларини билиб, тўғри иш жойимизга чиқиб тўхтади. Кўришиб ҳорма-бор бўл қилишди, ҳол-аҳвол сўрашишди.

— Кечирасиз, — дедилар дадам ишда давом қилиб, — озгина қолди, битириб қўяй, кейин уйга тушамиз... Чопиқни ҳозир тугатиб қўймасам ариқнинг нами иссиқда дарров қочади, чопиқ қийинлашади, қайта сув бергунча вақт ўтади...

— Ишлайвер, ишлайвер, ишим зарур эмас, — деди Исмоил Обидов.

У ток салқинига ўтиб, чўнтагидан тамаки халтасини чиқариб, узун муштугини тўлдириб тутатди ва шу ҳолатда дадамнинг тезкор шахт ишига қараб турдида, ачинган оҳангда деди:

— Мен сенга ҳайронман, Абдулла (у дадамини сенлар эди).

— Ҳўш? — дедилар дадам ишда давом қилиб,

— Сен ўзинг кимсан, ёзувчими, деҳқонми?

Дадам кулдилар:

— Униси ҳам, буниси ҳам...

— Йўқ, кулма, — деди у жиддий, — ўзинг ёзувчи бўлсанг... оғир меҳнат қилиш сенга нечун керак?..

— Оила боқиш учун, — дедилар дадам...

— Оилани ёзувдан боқиб бўлмайдами?

— Бўлади, — дедилар дадам ҳорғин оҳангда ва ишдан тўхтаб кетмон дастасига суяниб жиддийлашдилар,

— Айтинг-чи, Исмоил обий, ёзганларим сизга ёқадими?

— Ҳа, жуда ёқади.

— Кўрдингизми, агар кетмон билан меҳнат қилиб оила боқмаганимда, ёзганларимни севиб ўқимас эдингиз... яъни пул топиш ниятида қилинган ёзувчиликда ва умуман бирор манфаат билан ўлчанадиган санъатда сифат бўлмайди. Албатта, бу сўз билан мен ҳаммани оғир меҳнатга чақирмоқчи эмасман. Бироқ, ўзим ёшликдан бунга ўрганганман. Оғир меҳнат менга асло халал бермайди, аксинча, жисман, руҳан ўзимни соғлом, тетик сезаман.

Исмоил Обидов дадамнинг жавобларига қарши бир сўз демади. Чекиб бўлган муштугининг кулини сўри бағазига уриб-уриб қоқди ва ток бағрида юриниб битта-яримта нишона қилган узумларни томоша қила бошлади. Дадам эса тез-тез чопиқ қилар эдилар...

АЖОЙИБ ИНСОН

1933 йил эди... Ўша вақтларда мен Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасининг раиси вазифасида ишлар эдим. Республика ҳукумати ўзбек адабиётида проза жанрини ривожлантириш мақсадида прозада ёзилган энг яхши асарлар учун конкурс эълон қилган эди. Шу муносабат билан мен бошқа ёзувчилар қаторида ёзувчимиз Абдулла ака билан ҳам алоҳида суҳбатлашдим. У кишини конкурсда қатнашишга тарғиб қилиб бу хусусда қандай ёрдам зарур бўлса, уюшмамиз томонидан муҳайё қилинишини айтдим.

Абдулла ака бу яхши ташаббусдан хабари борлигини ва ўзи ҳам бирон асар ёзиб қатнашаётганини гапирди. Аммо ёрдам ҳақида ҳеч нима демади. Мен бу тўғрида унга яна бир бор эслатдим.

— Ёрдамга ҳожат йўқ. Лекин чамамда бирон жиддийроқ асар ёзиш учун эл-юрт орасида кўпроқ бўлиш керак. Шаҳар, қишлоқларимизни бир айланиб, халқ билан суҳбатлашилса, жуда яхши бўлар эди, — деди Абдулла ака уйчан.

Мен бу гапни маъқулладим.

Қанча муддатга ижодий командировка зарур бўлса берилишини айтдим. Шунда Абдулла ака табассум билан:

— Гап командировкада эмас, йўқ. Эгар-жабдуғи соз бир отинг бўлса, истаган жойга бориб, истаган жойда қўниб, халқ билан суҳбат қилсанг уни йўли бошқа, — деди.

Бир мунча вақтдан сўнг Тошкент вилоятининг турли кент ва қишлоқларида Абдулла аканинг ўзига хос саёҳати хабарларини эшитиб турдик. Жойларда унинг ким эканини биров билган, биров билмаган. Шу саёҳат натижасида ёзувчининг «Обид кетмон» асари юзага келди.

Ўша йиллари Ўзбекистон Марказқўми ва ҳукумати Тошкент шаҳри чеккасида Инжиқобод деган жойдан ёзувчилар учун боғ ажратиб берди. Боғни обод қилиш, уни ёзувчилар дам оладиган ва ижодий иш қиладиган илҳомбахш гўшага айлантириш зарур эди. Мен Тошкентнинг Самарқанд дарбоза томонида Абдулла аканинг нашъали боғи борлигини ва уни ёзувчи ўз қўли билан меҳр қўйиб обод қилганини эшитган эдим. Шу эсимга тушиб, мазкур боғни қандай обод қилиш хусусида Абдулла акадан маслаҳат сўрадим. Икковлон биргалашиб Инжиқободга жўнадик. Боғ яхши жойда, аммо қаровсиз ҳолда эди.

— Боғ жуда яхши. Ишни ҳозирданоқ бошлайвериш керак. Лекин катта иморат қуриш кўп вақтни талаб

қилади. Шу боисдан менимча ишни битта шийпон қуриб, атрофини гулзор қилишдан бошлаган маъқул.

Абдулла ака тез кунда бир миришкор боғбон топиб келди. Иноғом ота исмли бу кекса, шоиртабиат, ажойиб



«Обид кетмон» қиссаси 1932—1934 йиллар орасида дунёга келган. Уни ёзувчи елкасида рюкзак, қишлоқма-қишлоқ юриб, далаларни кезиб, қўлида кетмон, пахта чопиқларида қатнашиб, бободехқонлар билан суҳбатлашиб ёзган.

киши экан. У боғ ва ёзувчиларни севиб қолиб, доим шу ерда истиқомат қиладиган бўлиб қолди. Абдулла ака боққа тез-тез келиб турса-да, ёзувчилар даврасида кам қатнашар, ҳар доим боғбон ота билан дарахтзорлар оралаб, алланарсаларнинг маслаҳатини қилиб юрганини кўрардик. Бундай кезларда у ўзининг ташқи қиёфаси, уст-боши ва ҳаракатлари билан ҳамсуҳбати боғбон отадан кам фарқ қилар эди. Улуғ адиб, ажойиб инсоннинг бу қадар оддийлиги ва камтарлиги, одамларга нисбатан ғамхўрлиги ҳаммамизнинг қалбимизда ҳурмат ва эҳтиром уйғотар эди.

Хизмат юзасидан устоз Акмал Икромов билан учрашиб турардим, Акмал ака кадрларни, ижодкорларни жуда эҳтиёт, ҳурмат қилар, ғамхўрлик кўрсатар эди. ВКП (б) Марказқўмининг адабий-бадиий ташкилотларни қайтадан қуриш ҳақидаги қароридан кейинги бир учрашувда Акмал ака Абдулла Қодирий ҳақида «Буюк талант» деб, анча ижобий гаплар айтиб:

— Ижодкорларга муносабатда жуда эҳтиёт бўлинг, айниқса, Абдулла Қодирий каби ижодкорлар учун партия билетингиз билан эмас, ҳатто бошингиз билан жавоб берасиз, — деган эдилар.

Бу гап Акмал аканинг Абдулла Қодирийдек бир ижодкорга қанчалик ҳурмат, беғараз муносабатини кўрсатади.

МАКСИМ ГОРЬКИЙ ҲУЗУРИДА

1934 йил ёзида Москвада Бутуниттифоқ ёзувчиларининг биринчи съездини чақириш ва съезд кунлари Иттифоқ халқлари адабиётини кўргазмасини ташкил қилиш белгиланди. Шу муносабат билан Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси ҳам бошқа республикалар қатори съездга қизгин таёргарлик кўрар ва кўргазма ташкил қилиш учун китоблар тўплар, Абдулла акага эса халқ ичидан кўплаб араб-туркий ҳарфда ёзилган эски ўзбек классик китобларини сотиб



Садриддин Айний ва Абдулла Қодирий Москвада, собик Иттифоқ Ёзувчилар уюшмасининг пленумида. 1932 йил

олиш вазифаси юклатилган эди. Бу вазифанинг Абдулла акага топширилишининг сабаби шундаки, уюшмада эски Шарқ асарларини Абдулла акадан яхшироқ билувчи ва олинадиган китобларни тўғри қадрловчи йўқ эди. Мен бу ишда Абдулла акага ёрдамчи (ғазначи) этиб тайинланган эдим. Абдулла ака мен билан бозорга тушиб эски ёймачи китобфурушлар олдига ўтириб олиб китоб кўрар, улардан адрес олиб маҳаллама-маҳалла юриб, ҳар кимларнинг уйида уюлиб ётган эски китобларини кўздан кечириб танлар ва китоб маъқул келса савдолашар эдилар. Абдулла акани ҳамма ерда танишар, китоб бор ерларга уйма-уй бошлаб юришар ва ҳатто меҳмон ҳам қилишар эди.

Шундай қилиб, биз икки юз-уч юз нусха эски ўзбек классик китобларини сотиб олдик ва съезд кунларига ўн-ўн беш кун қолганда уюшма раиси Раҳмат Мажидийнинг маслаҳати билан Абдулла ака иккала миз кўргазмани тайёрлаш учун китобларни олиб Москвага вақтлроқ жўнадик.

Москвага бориб билсак, биз анча кечикибмиз... Горький номли боғда ташкил қилинган кўргазмага ҳамма Республика вакиллари биздан олдин келиб, яхши жойларни эгаллаб олишиб, бизга кимса бормас чет бир бурчакдан кичкина жой қолдиришган экан. Биз жуда бўшашиб тушдик. Икков маслаҳатлашиб дурустроқ жой талаб қилгани Иттифоқ Ёзувчилар уюшмасига

(Воровский кўчасига) бордик ва съезд кўргазма ишларига мутасадди этиб тайинланган раҳбарнинг олдига кириб тилагимизни айтдик. У киши гапимизга ортиқча аҳамият бермай «Жойни ўзгартира олмаймиз» деб қўя қолди.

Умидсизланиб Уюшмадан чиқдик. Абдулла ака, «Бўлди, кўргазмани ўша кўрсатган ерларига бўлганича очавериш керак», дедилар. Аммо шу онда бошимга Горький ҳузурига кирсак қандоқ бўларкин деган фикр келиб қолди-ю, ниятимни Абдулла акага айтдим. Бу фикр аввалда у кишига маъқул тушмагандай кўринди, «шу арзимас иш билан у кишининг олдига кириш унча маъқул бўлмас», дедилар. Кейин ўйлаб кўриб биргалашиб киришга рози бўлдилар. Икки кун оралатиб Уюшмага бордик, навбат кутиб икки-уч кишидан сўнг Горький ҳузурига кирдик.

Горький очиқ чехра билан саломлашиб, бизга ўтиришга жой кўрсатди. У расмдаги каби озгин, баланд қадди бироз букилган, оқ оралаган қисқа соқол ва мўйловли вазмин ҳаракатли киши эди. Русча сўзлашга чечанроқ бўлганим учун гапни мен бошладим. Тошкентдан келганимизни айтиб, ўзимизни танитдим.

Горький чамаси, Абдулла акани исми шарифи билан танимас экан, Жулкунбой тахаллусларини эшитиб кулиб ўрнидан турди, стол устидан узун бўйини чўзиб Абдулла ака билан қўл олишиб кўришди. Улар орасида шундай сўз бўлди. Горький деди:

— Жулкунбой исмингизни эшитганман, сиз яхши сатирачи ва романчисиз, танишганим учун хурсандман.

Абдулла ака бош ирғаб жим ўтирардилар. Горький бироз тўхталиб олиб давом этди:

— Афсус, асарларингиз русчага таржима қилинмаган, ўқимаганман. Ҳозир бирон каттароқ асар ёзаяпсизми?



Акmal Икромов, Раҳмат Мажидий, Абдулла Қодирий, Красина, Ойдин, Ғайратий, Элбек, Ҳамид Олимжон, Крюковский, Муҳаммад Ҳасан, Картишев, Отажон Ҳошимов, Пинхасик, Курбон Берекин, Анқабой ва бошқалар Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасининг биринчи курултойи кунларида. 1934 йил



Ўнгдан чапга: Шокир Сулаймон, Абдулла Қодирий, Садриддин Айний, Фафур Фулом ва тожик шоири Абдусалом Деҳотий. 1935 йил

— Ёзяман.
— Қандай мавзуда, кечирасиз?
— Қишлоқ - колхоз ҳаётидан, «Обид кетмон» номли қисса.

— Жуда яхши, мен худди шунинг учун бу саволни бериб эдим, хурсандман. Адабиётимиз шундай мавзудаги асарларга камбағал, кўпроқ ёзиш лозим. Асарларингизни рус тилида ўқишни орзу қиламан. Таржима масаласида, умуман ижодингизда, ҳаётин-

гизда бирон монёлик туғилса хат ёзинг, ёрдамга тайёрмиз...

— Раҳмат, — Горькийнинг бу меҳрибон сўзларидан Абдулла аканинг мамнун бўлганликлари юзларидан сезилиб турар эди. Биз асосий мақсадга кўчиб, илтимосимизни баён қилдик. Горький масалага тушуниб, ўйланиб қолди ва сўради:

— Кўргазмага қандай китоблар келтирдингиз?

Абдулла ака бир неча ўзбек классик ёзувчи, шоирларининг номини айтдилар. Улар орасида Алишер Навоийнинг номи ҳам бор эди. Горький:

— Навоийнинг қандай асарларини келтирдингиз?

— деди қизиқиб.

Абдулла ака келтирилган китоблар орасида машҳур хаттотлар қўли билан битилган ягона нодир нусхалар борлигини, уларни ҳеч қандай қиймат билан тенглаштириб бўлмаслигини айтдилар.

Шундан сўнг, Горький ҳалиги биз биринчи учрашган раҳбарни чақирди ва бизга истаган еримиздан кўргазмага жой ажратиб беришни буюрди. Раҳбар бизни машинага ўтқазиб олиб бориб РСФСР халқлари адабиёти кўргазмаси ёнидан жой кўрсатди.

Съезд бошланишига икки-уч кун қолганда менинг тезликда қайтишим тўғрисида Тошентдан телеграмма бориб қолди ва мен съездга қатнашмай Тошкентга қайтдим. Абдулла ака эса съездга қатнашиш учун Москвада қолдилар.

Фикрнинг ифодаси хизматига ярамаган сўз ва жумлаларга ёзувчи асло ўрун бермаслиги лозим. Шундагина идоранинг тузатиб босишига йўл қўймаган, мустақил услуб ва ифодага эга бўлиб, ўзингизнинг қаламдаги истиқболингизни таъмин қилган бўлурсиз. Кишига ишониш ва беҳуда кучаниш маъқул гап эмас. Биравга орқа қилиб, ўзингизда бўлган талантни руҳига фотиҳа ўқуй кўрмангиз. Бир соатда эмас, ўн соатда ёзиш, бир қайта эмас, ўн қайта тузатиш кишининг ёрдамига термулишқа қараганда ҳам фойдалиқ, ҳам умидликдир.

Абдулаҳад Қаҳҳоров

ЎРТА ОСИЁДА БИРИНЧИ

1935 йил. Куз эди. Мен Панжакент туман ёшлар қўмитасининг котиби бўлиб ишлар эдим. Бир кун устоз Садриддин Айний бизнинг туманга келдилар. Мен Айний домлани биринчи кўришим эди. Туман раҳбарининг топшириғига биноан камина ва яна икки киши устоз билан икки кун биргалашиб юриб туманимиз аҳволи билан таништирдик. Мактаб ўқувчилари ва ўқитувчилари, туман газета ва маданият ходимлари билан учрашувлар ўтказдик. Хўжаликларга, тарихий жойларга бордик... Кейинчалик Самарқанд шаҳрига тушганимда баъзан у кишининг зиёратларига кириб ўтадиган бўлдим. Айний домла менинг адабиётга, тарихга қизиқшимни билиб яхши қабул қилар, очилиб сўзлашиб ўтирар эдилар. Шу йўсин дўстлигимиз у кишининг вафотига қадар давом этди.

1938 йил бўлса керак, ёз ойлари эди, Айний домла ёзувчи Абдусалом Деҳотий билан яна Панжакентга келдилар. У киши бу гал Абу Абдулло Рудакий туғилиб ўсган қишлоқда бўлдилар. Рудакий



«Ўткан кунлар» ва «Меҳробдан чаён» 1933, 1935 йилларда латин алифбосида қайта нашр этилди. «Яқин йилларга қадар бизнинг халқ турмушдан йироқ афсоналарнигина ўқиб кифояланар эди. Шу афсоналар ўрнини босарли бирон каттароқ реалистик асар яратишга ният қилган эдим. Қувониб айтаманки, ниятимда янглишмадим. Романларим ўзбек оиласига чуқур сингиб кирди, китобхонларни анови афсоналарни ўқишдан халос этаёзди».

қабрини зиёрат қилдилар, қишлоқ аҳли билан суҳбатлашдилар, Рудакий ҳақида оғиздан-оғизга ўтиб келаётган хотираларни ёзиб олдилар (чамаси, у киши шу чоқларда Рудакий ҳақида асар ёзаётган эканлар).

Шу ташриф кунларининг бирида мен Айний домла ва Деҳотийни уйимга меҳмонга чақирдим ва суҳбат асноси «Ўткан кунлар»нинг лотин алифбосида босилган бир нусхасини (мен бу китобни хўжаликларни айланиб юрганимда бир қишлоқ чойхонасида, стол устига териб қўйилган газета, журнал, китоблар орасидан топиб келтириб қўйган эдим) домланинг олдига келтириб қўйдим ва кулимсиб индамай қараб турдим... Айний домла тушунмагандай қора муқовали китобни аста қўлларига олдилар ва биринчи варағидаги расмни кўриб таажжубландилар:

— Иби, Мулло Абдулаҳад, Жулқунбойнинг расми-ку, бу «Ўткан кунлар»ми?

— Ҳа, домла.

У киши бир мунча вақт жим қолдилар, кўзларида дардли ёш пайдо бўлди...

Мен сўрадим:

— Сиз Жулқунбойни кўрганмисиз?

— Ҳа, кўп кўришганман, борди-келдимиз бор эди, — дедилар домла ва китобни стол устига қўйиб аста давом қилдилар: — Жулқунбой аллома ёзувчи, донишманд, истеъдодли санъаткор, қалби пок соҳиби қалам эди. У Ўрта Осиёда биринчи бўлиб ажойиб романлар ёзди, кенг оммага танилди. У менинг романларимни ўқиб, ҳолисона қимматли маслаҳатлар берган эди...

Музайяна Алавия

ҲАММАЁҚ МУЗАЙЯН

Қатортол қишлоқ кенгашига қарашли Хир-монтадаги ўрта мактабда ишлаб юрганимда кўпчилик қатори мен ҳам шаҳарга пиёда қатнар эдим. Агар кечикиб ёки толиқиб қолсак машҳур адиб Абдулла аканинг Самарқанд дарбозадаги боғига кириб қолардим. Чунки, ёшликда адабиётга қизиққанлигим, Маъдалихон (ота маҳаллам) Эшонгузар маҳалласига қўшни ва амаким Олимхон Маҳмудов Абдулла ака билан дўст бўлганлиги важдаридан мен Қодиррийлар оиласига яқин эдим. Абдулла аканинг болаларидан Назифа, Ҳабибуллалар, билмадим эртас, ҳикояларим маъқул бўлгани учунми, мени жуда яхши кутиб олишар эди. Адиба, Масъуд, Анисалар ёш бола эдилар. Кечикиб келсам, айниқса Раҳбар опам (Абдулла аканинг рафиқаси) сабабини сўраб-суриштирар, одми ва камгап Абдулла ака «кўринмай қўйдингиз?» деб қўяр эдилар.

Абдулла ака кўпинча ўз хонасида мутолаа ва ёзиш билан машғул бўлиб ўтирарди. Овқатланишга онаси ўлтирган атрофи ойнавандлик юқори катта хонага кўтарилиб ҳаммалари биргаликда овқатланишар эди.

Бир кун овқат чоғи суҳбатлашиб ўтириб у киши менга: «Мен хатимда партиянинг олийжаноб қарори, деб ишлатдим. Ўртоқлар бунга қандай қарашар экан», дедилар. Катта ёзувчи олдида мен бир қишлоқ ўқитувчиси нима дейишимни билмай, «Нима дейишар эди, Жулқунбой ишлатибди деб, ҳамма энди олийжаноб сўзини ишлатаверадида», дедим.

У жуда камтар, ажойиб ҳассос адиб эди. У одатда саҳардан туриб боғ айланар, қушлар чаҳ-чаҳлашига қулоқ солар, ўрнида ётган болаларига қараб, кичикларининг уёқ-буёғини тузатиб қўярди, баъзан улар билан уйнашарди. Жосият онанинг олдиларига бориб: «Яхши ухлагингизми?» деб ҳол-аҳвол сўрар эди.

Бир кун Абдулла акани қизиқ ҳолатда кўрдим. Хонасида узоқ ўтириб китоблар орасидан чиқиб келди. Кўзлари йиғлагансимон, аммо руҳи баланд эди. Ҳайрон бўлиб қараб қолганимни сезиб: «Ўйлаб юрган романимни ёзиб битирсам, китоб бўлиб чиқса,



Адибнинг рафиқаси
Раҳбарниса
Расулмуҳаммадбой
қизи



Адибнинг акаси
Раҳимберди Қодир
ўғли



Адибнинг укаси
Қудратилла Қодир
ўғли



А. Қодиррий оиласи даврасида. (Ўнгдан чапга) Ўғли Ҳабибулла, қизи Назифа, ўғли Масъуд, Абдулла Қодиррий, онаси Жосият биби, қизи Адиба, рафиқаси Раҳбарниса, қизи Аниса

қўрқаманки «Ўткан кунлар», «Меҳробдан чаён»ларни ҳеч ким ўқимай қўядими дейман», деди.

Баҳор ойлари эди шекилли, бир кун уларникида бўлдим-да, Жосият она, Раҳбар опалар билан сўзлашиб туриб қайтишга чоғландим. Раҳбар опам билан хайрлашар эканман, овозимни эшитиб Абдулла ака ўз хонасидан чиқди ва «бу ёққа киринглар, маслаҳатли иш чиқиб қолди», деб таклиф қилдилар. Раҳбар опам билан кирдик. У киши отимни атамасдан: «Сизга бир юмуш бор синглим, Назифага бир қариндошимиздан совчи келяпти, унинг розилигини олиб берсангиз», дедилар. Мен олиб бердим...

Тўй кунлари яқинлашди. Таклифлари билан мен тез-тез келиб тўй ҳозирликларига қўмаклашиб турдим. Бир кун келсам онам (Абдулла аканинг онасини ҳамма набиралари она дегани учун мен ҳам она дердим) қуйиб-пишиб: «Абдулла бир сўзлик, мол ёйиб палак

осишни нима кераги бор, деди, сиз тушунтириб айтинг айланай», деди. Мен бир кун овқат чоғи: «Она, палакларни шу катта уйга ўзим ўхшатиб ёйман, дедим жўрттага. Абдулла ака: «Нима кераги бор?» деди. Мен «мол ёйилмаса Назифа ўқсийди-ку ўз тенгилари ичида», дедим. У киши индамай туриб чиқиб кетди. «Хайрият, индамади» дейишди. Никоҳга икки-уч кун қолганда кечаси билан палак ёздик, дор тортиб кийим-кечакларни ёйиб ташладик. Абдулла ака эртасига ясалган уйга кириб, уёқ-буёққа қараб: «Ҳамма ёқ музайян бўлиб кетибди-ку», дедилар. Тўй ширингина бўлиб ўтди.

Абдулла ака Назифанинг биринчи боласининг исмини Фарзона қўйган эди. У: «Набира ўз болангдан ширин бўлар экан», дерди. Бу бахтиёр оилани қачон кўрсам хурсанд бўламан. Зотан дўстни бахтиёр қўришдай маънавий лаззатга нима етсин.

Халқдаги таассубни ўрганиш учун ҳар ким ўз оиласига ва яқинларига кўз ташласин, халқ ижтимоий шу оилалардан уюшканидек унинг руҳий ҳолларини ҳам шундан ўрганиш қулайдир.

Юнус Мақсудий

ТАЪРИФИ АДИБЛАР ЭДИ

Абдулла Қодирий бағри кенг, садоқатли, меҳрибон, баркамол, ҳолатбарор чин инсон эдилар.

У зотнинг ўзлари меҳмон қақаришни яхши кўрсалар-да, шоҳона зиёфатларга боришни, тантанали мажлисларда иштирок этишни ва баландпарвоз гапларни тинглашни ёқтирмас эдилар, кишиларнинг бойлигига, мартабасига қараб эмас, одамийлигига қараб муомала қилардилар.

Дўстларининг аксарияти адабиётчилар, дин арбоблари, ишчилар, деҳқонлар, косиблар, кўнчилар ва бошқа касбдаги шинаванда чапанилар эди. Ўзларида ҳам сезиларли даражада чапанилик руҳи бор эди. Машҳур боғбон Иноғомжон ота билан яқин муносабатда бўлганларидан ҳам хабардорман. Боғ парвариши ҳадисини у кишидан олган бўлсалар ажаб эмас.

Абдулла аканинг топиш-тутиши яхши бўлса-да, очиққўл, сахий бўлганликларидан турмушлари ўртача кечар эди.

...1932 йилда мен Москвага бориб, Педагогика институтининг физика-математика факультетига жойлашдим. Бу вақтда Чўлпон собиқ Иттифоқ Марказий Ижроия Қўмитасида таржимонлик вазифасида ишлар, Катя деган рафиқаси билан Биринчи Мешчанская кўчасидаги 115-уйда истиқомат қилар эди. Уларникига тез-тез бориб турардим. Рафиқасига мени «бу мени тутинган укам бўлади», деб тушунтирганди. Ўқишга жойлашганимдан қувониб: «Ана энди бағрим тўлиб, бошим кўкларга етиб юрадиган бўлдим», деб хурсандчилигини билдирганди.

1933 йили мамлакатда очарчилик ва қаҳатчилик юз берди. Мен ёзги таътилга чиқиб, Москвадан Тошкентга келдим ва ўша кунгидея Абдулла акани кўргани уйларига бордим. У киши қопчиқ кўтариб дарвозаларидан энди

чиққан эканлар. Мени кўришлари ҳамона қопчиқни ерга қуйиб:

— Э, қадамнинг қўлғу бўлсин, анчадан бери соғиниб юрган эдим. Кел, жигарим, — дея мен билан қўчоқлашиб кўришдилар (авваллари қўл беришиб кўришардилар): — Қани, ичкарига юр!

Мени шийпонга бошладилар, чой устида ҳол-аҳвол сўрашдик. Чўлпонни суриштирдилар. Мен Чўлпон бериб юборган икки бўлак ширин кулча (печенье) ва мактубни бердим. Мактубни ўқиб бўлиб узоқ хўрсиндилар-да:

— Чўлпоннинг ўз таъбири билан айтсам, «фақат мажнун бўлиб элни севаман», деганидек гўрбатда яшаш оғирлик қилади, — деб хатни манга узатдилар.

Мактуб мазмуни ниҳоятда ғамгин бўлиб, унинг ниҳоясида қуйидаги тўртлик ҳам ёзилган экан:

*Ватандан дарбадар бўлдим, ғарибман, ошиёним йўқ,
Паришон ҳолимни сўргучи бир руҳи равоним йўқ.
Тирикман, улмаганман, лекин инсонликда соним йўқ,
Агар қатл этсалар, девона Машрабдек товоним йўқ.*

Чўлпон иродали, сабр-қаноатли, ғаму андуҳларга бардошли бўлса-да, кўнгли нозик, таъсирчан одам эди. Абдулла ака:

— Сен бунда дам олиб ёт. Уйда егулик охирлаб қолибди, бироз макка бор эди, шуни ун қилдириб қайтаман, сўнг маза қилиб гурунглашамиз, — дедилар.

Мен унамадим. Бирга Чўқурқўприкдаги Маҳмуд Сарикнинг тегирмонига бориб, ун қилиб қайтдик. Ўша бир пуд чамасидаги ундан тўрт коса унни олиб, тўрт қўшниникига чиқариб юбордилар.

— Нима қилияпсиз? — деб ҳайрон бўлиб сўрадим.

— Бу қўшниларибга берилаётган кафсан, — дедилар.

— Унда менга берадиган кафсанингиз қани? — дедим ҳазил аралаш.

— Сен кафсанга муҳтож эмассан-да.

— Мен берган кафсанингизнинг савобига муҳтожман, — дедим.

— Ҳа, майли савобига шерик бўлақол, — деб жилмайиб қўйдилар.

Хулоса қилиб айтганда, бундайин саховат, олийжаноблик, бундайин чин одамийлик ҳар кимнинг ҳам қўлидан келавермайди, айниқса, очарчилик йилларида! Айнан шундай ноёб фазилатлари учун Абдулла акани туғишган акамдан ҳам зиёдроқ ҳурматлар эдим.

Москвада эдик, Чўлпон 1934 йили «Ҳамлет»нинг таржимасини ва «Кеча-кундуз» романининг биринчи қисмини тугатган эди. Кунлардан бирида у романнинг муқаддимасини ўқиб берди. Мен завқланиб: «Қодирона тасвир бўлибди-ку», деган эдим, «Йўқ, йўқ, ўзбек аёли иккинчи марта Қодирийни туғмайди», деди.

— Лоф қилманг! Навоий, Бобур, Огаҳийларни туққан ўзбек аёли нега Қодирийдақасини туғмас экан? — дедим.

— Ҳа, ҳа, шундайку-я, лекин яқин орада туғмаса керак, — деб жавоб қилди шоир...

Мен Чўлпон билан ҳазилкаш дўстлардек гаплашар эдим, кези келганда афанди латифаларидан тортиб аскиягача айтишар эдик. Абдулла ака вазмин, салобатли, оз бўлса-да соз гапирадиган донишманд бўлганиданми, ул зоти шариф билан очилиб гаплашишга ийманардим.

* * *

...1934 йилнинг ёз кунларининг бирида, Абдулла ака бир боладан мени тезда етиб келсин деб айттириб юборибдилар. Келсам, ёлғиз ўзлари шийпонда чой ичиб ўтирган эканлар.

— Хайрият, уйда экансан, зап вақтида етиб келдинг. Энди, гап бундоқ, иним. Чойдан кейин тайёргарлик кўрамиз. Кечга меҳмонлар келишади.

Ҳаял ўтмай эшикдан кўркам, салобатли бир киши кириб келди, Абдулла ака у билан ҳазил-мutoйиба қилишганча, кучоқлашиб кўришдилар. Сўнг мени:

— Бу йигит менинг тутинган иним, Москвада ўқийди, таътилга келган, — деб таништирдилар.

Чойдан сўнг Абдулла ака қўрғончага кириб, ҳадеганда қайтиб чиқавермадилар. Мен ийманиброк ўтирдим. Меҳмон мени қайси институтда ўқишимни сўраб билгач: «Ҳа, мен сизни ғойибона танийман, сиз иккинчи курсни битириб, учинчи курсга ўтдингиз. Шундайми?» деди. Бу ҳам етмагандек, Москвада биздан борган талабаларнинг қайси институтда, қайси курсда таълим олаётганини ҳам янглишмай айтиб берди. Мен ҳайрон бўлиб қолдим. Шу аснода Абдулла ака бир лаганда кўрда пиширилган думбул жўхори олиб чиқиб, ўртага қўйдилар. Иштаҳа билан едик, ундан сўнг мошхўрда олиб чиқдилар. Меҳмон мошхўрдани мақтаймақтай биз билан бирга тановул қилди. Сўнг Абдулла акадан изн сўраб, хайрлашди, биз кузатиб қолдик. Мен Абдулла акага «бу ўртоғингиз фолбинми?» дедим-да, у киши билан бўлган суҳбатимизни сўзлаб бердим.

— Бу меҳмон Москвада, Миллатлар халқ комиссарлигининг юқори лавозимида кўп йиллар ишлаган Абдулҳай Тожиев бўлади. Жуда зийрак, хотираси зўр, ақли расо, бутун умрини халқимиз, ватанимиз равнақи йўлига тиккан, юрт бойлиги, мунавварлиги учун жонини аямайдиган одам, ҳозир Тошкент шаҳар ижроия қўмитасига раис қилиб тайинланган. Келгусида Файзулла Хўжаев ўрнига ўтса ҳам ажаб эмас, — дедилар.

Мен Абдулла аканинг Акмал Икромов, Файзулла Хўжаев билан яқин дўст бўлганликларини сезардим, лекин улар тўғрисида ҳеч нарса гапирмас эдилар. Негадир шу дамда жуда очилиб кетдилар, шекилли: «Хўб ажойиб яхши раҳбарларимиз бор», деб яна бир воқеани гапириб бердилар.

— Яқинда Акмал Икромов мени чақириб: «Ўткан кунлар» романингизни қайта нашр қилсак, шу шарт биланки, сиз Юсуфбек ҳожининг «руслар улугъ ёвимиз» деган жойини ҳамда Отабекнинг русларга қарши уришиб ҳалок бўлган ўринларини таҳрирдан чиқарсангиз, сизга ўттиз минг сўм берар эдик», — деди. Мен, «агар сиз айтган ўринлар олиб ташланса роман романликдан чиқиб, сариқ чақалик ҳам қиммати қолмайди», — деб жавоб қилдим. Акмал Икромов фикримга қўшилди...

Кечки пайт Фулом Зафарий, Ғози Юнус, Чўлпон, Элбек, Ойбек, Фафур Фулом, Ғайратий, Санжар Сиддиқ, Юнус Латиф ва Сабир Абдуллалар кириб келишди. Шийпонда ўтириб қурган суҳбатимиз аста қизий борди. Чўлпон йиғилганларга қарата:

— Эй, менинг майпараст дўстларим! Мана, майхонага жам бўлдик. Ихтиёрни соқийга берамиз. Май соқийдан, сархушлик биздан деб, — Фулом Зафарийга таъзим қилди.

Чўлпон шийпонни майхона, суҳбатни май, йиғилганларни майпарастлар, мажлис бошлиғини соқий деб ўхшатиш қилган эди. Суҳбат Фафур Фулом, Ғайратий, Собир Абдулла ва Элбек шеърларини ўқиш билан бошланди. Сўнгра Собир Абдулла халқимиз руҳига сингишли бўлган аруз вазнида шеърлар ёзишни кенг тарғиб қилиш кераклигини таъкидлади. Юнус Латиф эса янги усулда шеър ёзиш ҳозирги замонамизга мос тушади, аруз вазни эскириб қолди, деб эътироз билдирди. Ғози Юнус Юнус Латифни қаттиқ танқид қилди. Абдулла ака ҳам Ғози Юнуснинг фикр-мулоҳазаларига қўшилиб, Юнус Латифнинг хато йўлдан бораётганлигини, Ғози Юнусдан сабоқ олса, тўғри бўлишлигини айтди.

Чўлпон Навоий даврида Ҳирот шоирлар масканига айланганлигини завқ билан гапирди. Бизда ҳам зўр истеъдодли шоир, ёзувчилар етишиб чиқишига иймони комиллигини изҳор этди. Ниҳоят Усмон Носир ижодига тўхталиб замонамизнинг етук шоири деб баҳолади ва унинг шеърларидан айримларини ўқиб, бу шоирга тан берса бўлади, деди.

Таржима соҳасининг билимдони журналист Санжар Сиддиқнинг фикр-мулоҳазаларини диққат билан тинглаб, ҳаммалари ундан мамнун бўлдилар. Ўтириш ниҳоясида Фулом Зафарий:


— Ҳозирги вақтда ижодкорларимиз биров бўлса-да енгил нафас ола бошладилар. Ёзажак асарларимизни

тилдан эмас, дилдан ёзайлик. Муроси мадора деб буюртма асар ёзишни бас қилайлик, — деб «Обид кетмон» асарини ва Чўлпоннинг айрим шеърларини танқид қилди. Абдулла ака билан Чўлпон Фулом Зафарий фикрига эътироз билдирмадилар.

Абдулла ака йиғилганларга миннатдорчилик билдириб, келтирилган овқатга ундади. Овқатдан сўнг яхши ниятлар тилаб тарқалишди. Абдулла ака ҳар йили ёзнинг айна пишиқчилиги палласида диний арбоб, арабшунос Заҳириддин Аълам, бедилшунос Аловуддин махсум, навоийшунос Нодирхон махсум ва кекса шоирлардан Тавалло, Хислат, Мискин, Тошқин ва шу каби яқин биродарларини меҳмонга чақириб тарих, тиббиёт ва мантиққа оид масалалар ҳақида суҳбатлашишар эди. Заҳириддин Аълам Муҳаммад пайгамбар ҳадисларини Саҳиҳи Бухорий, ат-Термизий асарларини муҳокама қилар, Аловуддин махсум ва Нодирхон махсум Бедилу Навоий асарларини, улардаги ислом динига тааллуқли жойларини ўқиб тафсил қилишарди. Халқимиз тарихини пухта билган адиб диний урф-одатларимизга ҳурмат билан ёндашар, аммо бидъату хурофот билан асло чиқиша олмас эди. Адибнинг бу фазилати асарлари қаҳрамонларининг табиатига ҳам кўчган.

Мен ҳам бу борада етарли маълумотга эга бўлмаганлигим учун сукут сақлаб тинглардим. Абдулла ака

улар билан бемалол баҳслашар ва баъзан билими зўрлигидан дўстларининг олқишига сазовор ҳам бўлар эди. Уларга дастёрчилик қилишдаги нозик хатти-



ҳаракатларни Абдулла акадан унча-мунча ўрганган бўлам-да, мавлоноларга бекаму кўст хизмат қилиш менга ҳийлагина огир кўчар эди. Чунки Абдулла ака ҳар бир суҳбатга бутун вужудлари билан берилиб, меҳмонларга мулозамат қилишни тамомила менинг ихтиёримга ташлаб қўядилар. Уларнинг йиғилишлари жума кuni эрта билан бошланиб шом намозидан сўнг тугар эди. Намозларини ҳам шийпонда ўқишар эди.

БЎРОН АРАФАСИДА

(Ҳабибулла Қодирий хотираларидан)

...Болохона уйимизда кечки таомдан сўнг дадам, Раҳимберди, Қудратилла амакиларим чой ичишиб, ундан-мундан сўзлашиб ўтиришар эди. Дадам дедилар:

— Кеча мени ёзувчилар союзига чақирдишди...

— Нима янгилик, ака? — деб сўрадилар Қудратилла амаким.

— Ҳозир союзда ёзувчиларни «тозалаш», сарагини-саракка, пучагини-пучакка ажратиш ишлари қизгин борапти... Тўрт-бешта ёзувчилардан иборат комиссия бир ёзувчини чақирадиларда, кўнгилларига келган саволни галма-гал бераверадилар. Бечора ёзувчи шўрва ичган кўрдай терлаб жавоб қилаверади. Ёзувчига бундан ҳам разолатлироқ жазо борми?

— Масалан, қандай саволлар беришади, ака?

— Нега миллатчи бўлгансан, ёзганларингда миллатчилик руҳи бор, шуни бўйнингга олсанми, йўқми. Совет ҳукуматини ёқтирмайсан, фалон вақтда

фалончининг уйига боргансан, ўшанда нималар ҳақида гап булган, у сенга нима деди, сен унга нима дединг, қандай китоб кўрсатди, фалон вақтда уйингга фалончилар келган, ўшанда нима тўғрисида гап булган, фалончи ёш ёзувчини нима деб ранжитдинг? Шунга ўхшаш бачкана, мижи-мижи, ковла-ковла гаплар...

— Сизга ҳам савол беришдими, ака?

— Беришди... Анқабой дегани савол берди: «Сизнинг ким ва қанақа ёзувчилигингизни биламиз, саволимиз шу: «Худо борми, йўқми?»

Ҳаммалари жим бўлиб қолишди. «Бор» дедим. «Қандай исбот қиласиз борлигини?» унинг эътиборсиз, юзаки, менсимагандай берган саволи ғашимни келтирди: «Худо борми йўқлигини исбот қилиш ўйлаганингизча осон, бўёқчининг нили эмас. Бунинг учун ҳеч бўлмаганда араб, форс, турк, рус тилларини

мукаммал билишингиз ва билиб-гина қўймай, ўша тиллардаги диний манбаларни синчиклаб ўқиган, ўрганган, фалсафий мушоҳада қилган бўлишингиз керак. Шундагина диний мунозарага кириша олишингиз мумкин. Масалан: «Ихлос сураси»ни ўқингчи, мен сизга муқаддима ўрнида шарҳ қилиб берай!..» — дедим. Анқабой анқайиб қолди. Раёсатда жим ўтирган сиёсий идора вакиллари: «Бунақа масалаларни қўйинглар!» деб луқма солишди.

Раҳимберди амаким дедилар:


— Дилингда бўлмаса ҳам тилингда «йўқ» деб қўя қолсанг буларди, ука.

— Ўрисларни шундай зўр ёзувчилари борки, эътиқод билан яшайдилар ва ҳозир ҳам балки яшарлар. Уларга ҳеч ким бир нарса демаган, демайди ҳам. Ахир бу конституциямизда шундай кўрсатилган, — дедилар. — Энди мен бир кишининг икки оғиз сўзи деб қирқ йиллик иймонимдан қайтайми? Мунофиқлик, виждонсизлик бўлмайдими бу!


Қудратилла амаким дадамнинг сўзларини қувватлаб, Раҳимберди амакимга дедилар:

— Диннинг фалсафаси ҳам шунда-да, ака, иродали бўл, мунофиқ, тухматчи бўлма деб ўргатади.

Қудратилла амаким серзавқ эдилар. Бирор маъноли, тарбиявий гап айтсалар, завқлари келиб дарҳол Шайх Саъдий байтларидан бирини ўқиб, изҳори фазл қилар эдилар:



«Мен ҳақиқат йўлида ҳеч қандай жазодан, қийноқдан қўрқмайман, агар отмоқчи бўлсалар, кўкрагимни кериб тураман».



«Биз ҳақиқатни ҳаётдан олдиқ. Ҳаммадан илгари шахс ўзини танисин, сўнгга бошқани! Зеро, «ўзини билмаган ўзгани билмас» сўзи турмуш онасининг дард чекиб туққан тўнғич ўғлидир».

Писари Нух бо бадон бинашасту, хонадони

Нубувваташиро гум кард,
Саки Асҳоби Каҳф рўзи чанд пайи некон гирифту
мардум шуд.

Маъноси:

Нух пайғамбарнинг ўғли ёмонлар билан ўтириб
пайғамбарлик хонадонини йўқотди,

Асҳоби Каҳф* ити эса яхшилар билан бир неча кун
юриб инсон бўлди.

— Қалай ака, ўрнида ишлатдимми! — Қудратилла амаким дадамдан сўрадилар ва қаҳ-қаҳ уриб кулдилар.

— Жуда ўрнида, — дадам кулиб қўйдилар...

Бу воқеа Ўрта Осиёга томон эсиб турган бўронларнинг бири ва ашаддийси эди...

*Асҳоби Каҳф — афсоналарга кўра бир гуруҳ авлиёлар золим зулмидан қочиб бир ғорга яширинадилар. Шунда бир вафодор ит ҳам қувлашларига қарамай, Асҳоблар ортидан бориб ҳалиги ғорга кирази ва улар билан бирга ҳалок бўлади. Шу йусин ит гўё «инсон» ҳаторига кирази.

Абдулла Қодирий жаҳон билгич, жаҳон камтар, хушсухбат ва бор-йўғи бутун сажияси ва сиймосидан аён, бир гаплик, ўзига ўта ишонган, забардаст қаламкаш эди. Оддий кийинар эди, бутун адабиётимиз учун куйинар эди...



Абдулла Қодирий асарлари ўзбек халқи бахтига яратилган сўз санъати мўъжизаларидир. Жаҳон китобхони ўзбек адабиётининг насрий асарлари ҳақида «Уткан кунлар» ва «Ме'роbdан ч'айн» романлари орқали тўғри тасаввур ҳосил эта олади. Шу жиҳатдан **ЖУЛҚУНБОЙ** ўзбек романини оламга танитган адибдир.



Адибнинг мустақиллик йилларида нашр этилган китоблари



Тошкент шаҳар Камолон маҳалласидаги Хўжа Аламбардор қабристонида Қодирийлар хилхонаси бор. У хилхонага Қодирий жасади қўйилмаган. Фақат қабр тошига унинг тўрт мисрағига шеъри битилган.

*Ҳар кимсанингким бахти кулса
Халқига жону дил ила хизмат қилса
Лутфу шохонага сазовор бўлғай
Атрофи зару зевар ила тўлғай.*



МУНДАРИЖА

Сўз боши ўрнида — Хондамир Қодирий	3
Шаҳар ҳовлимиз. Қодирий ижодхонасида — Ҳабибулла Қодирий	5
Мактабда — Акмал Ақромов	6
Ширкатда — Султон Содиқов	7
«Жулқунбой гап ёзиптими?» — Обидқори Каримов	8
Жасоратли адиб — Мўминжон Муҳаммаджон ўғли — Тошқин	9
Муштум — Ҳабибулла Қодирий	10
Москвада	11
Тошпўлат тажанг... — Ҳабибулла Қодирий	12
Боғ қўшнимиз — Фазлиддин Ҳошимов	13
Босмахонада — Файратий	14
Ўзига хос услубда — Эргаш Рустамов	15
Танқидга муносабат — Ҳабибулла Қодирий	16
Эшонгузар маҳалласида — Раҳмат Азизхўжаев	17
Юрган йўлларида ҳам... — Ҳабиб Нуъмон	19
Отам яратган боғ — Ҳабибулла Қодирий	20
Ажойиб инсон — Раҳмат Мажидий	22
Максим Горький ҳузурида — Зиннат Фатхуллин	23
Ўрта Осиёда биринчи — Абдуллаҳад Қаҳҳоров	24
Ҳаммаёқ музайян — Музайяна Алавия	25
Таърифи адиблар эди — Юнус Мақсудий	26
Бўрон арафасида — Ҳабибулла Қодирий	28

Ўзбекистон Республикаси

Ўзбекистон Республикаси

Ўзбекистон Республикаси

Ўзбекистон Республикаси

Ўзбекистон Республикаси

Ўзбекистон Республикаси

Ўзбекистон Республикаси

Ўзбекистон Республикаси

Ўзбекистон Республикаси

Ўзбекистон Республикаси

Ўзбекистон Республикаси

Ўзбекистон Республикаси

Ўзбекистон Республикаси


Ўзбекистон Республикаси

Ўзбекистон Республикаси

Ўзбекистон Республикаси



Абдулла Қодирий асарлари ўзбек халқи бағрига яратилган кўп сонли муважжазлар. Жатон китобхона ўзбек адабиётининг кўп сонли асарлари ҳақида «Ўтган кунлар» ва «Ўтган кунлар» романини оқшади кўп сонли тасвирлар асосида эди. Шу ҳақида **ЖУЛДУЗНОВ** ўзбек романини оқшади тасвирлар асосида.



Адабий-бадиий нашр

АБДУЛЛА ҚОДИРИЙ
Таърифи адиб

Ўзбек тилида

Муҳаррир *Илҳом Зойир*
Бадиий муҳаррир *Темур Саъдулла*
Тех. муҳаррир *Валентин Веремеюк*
Мусахҳиҳ *Зиёда Латифхон қизи*
Саҳифаловчи *Ҳусан Сафаралиев*

ИБ № 491

Босишга рухсат этилди 10.02.2004 й. Бичими 60х90 1/8. Шартли босма табоғи 4,0.
Нашр табоғи 4,0. Адади 1000 нусха. Баҳоси шартнома асосида. Буюртма №203.

Абдулла Қодирий номидаги халқ мероси нашриёти. Тошкент, 700129, Навоий кўчаси, 30-уй. Нашр рақами № 116.

Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлигининг Тошкент китоб-журнал фабрикасида босилди. Тошкент, Юнусов даҳаси, Муродов кўчаси, 1-уй.

